

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида
УДК 9.902.5(584.4)

ДАРМОНОВА МАШХУРА АДILЖОН ҚИЗИ

**ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА АУДИОВИЗУАЛ
МАНБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ УСУЛ ВА
ТАМОЙИЛЛАРИ**

**5A120304-Тарихшунослик ва тарихий тадқиқот методлари
(мамлакатлар бўйича) мутахассислиги**

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

**Илмий раҳбар:
т.ф.н., доц. в.б. М.Ҳамидова**

Тошкент – 2014

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	3
I боб	АУДИОВИЗУАЛ МАНБАЛАР ТАРИХШУНОСЛИГИ ВА НАШРГА ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ	11
1.	Кино, сурат ва овозли ҳужжатларни ўрганилиши тарихи.....	11
2.	Аудиовизуал ҳужжатларни нашрга тайёрлаш хусусиятлари.....	20
	I боб бўйича хулоса.....	35
II боб	КИНО, СУРАТ ВА ОВОЗЛИ ҲУЖЖАТЛАР ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА	37
1.	Аудиовизуал манба тушунчаси ва таснифи.....	37
2.	Манбаларнинг аналитик ва синтетик таҳлили.....	46
	II боб бўйича хулоса.....	53
III боб	ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА АУДИОВИЗУАЛ МАНБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ УСУЛ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ	55
1.	Кино, сурат ва овозли ҳужжатлардан фойдаланиш турлари.....	55
2.	Кино, сурат ва овозли ҳужжатларда Ўзбекистон тарихини акс эттиши.....	65
	III боб бўйича хулоса.....	71
	ХУЛОСА	73
	ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.	76
	ИЛОВАЛАР	89

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон мустақилликка эришгач демократик, миллий манфаатларга мос сиёсий-ижтимоий тузумга ўтиш, фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат қуриш йўлида бир қатор муҳим аҳамиятга эга ютуқларга эришмоқда.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ва маданий-маънавий ислохотлар миллий қадриятларни қайта тикланиши ва тарғиб қилинишида, ҳар томонлама ривожланишига асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шу билан бирга айтиш мумкин бу жараёнлар узоқ ва яқин тарихий ўтмишни ҳаққоний ўрганиш, бўлиб ўтган воқеа, ҳодисаларни ҳолис ва тўғри англаш, уларни келгуси авлодга етказиб беришда, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг ҳолис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди”¹.

Бугунги кунда Ватан тарихининг ёритувчи тарихий манбаларни қайта ўрганиш орқали уни ҳолис ёритиш учун яратилган имкониятлардан фойдаланган ҳолда замонавий тадқиқотлардан кино, сурат ва овозли ҳужжатлардан фойдаланиш усул ва тамойилларининг назарий методологик асослари ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумки, ўзбек халқининг ҳаққоний тарихини тиклашда республикаимиз архивларида сақланаётган манбаларнинг аҳамияти каттадир. Илгари ўрганилмаган, истибдод мафкурасига мос тушмаган архив ҳужжатларини илмий муомалага киритиш ва асл моҳиятини очиқ бериш асосида ўз ечимини кутаётган масалаларни ёритиш долзарб ҳисобланади.

Халқимизнинг бой маданий-маънавий мероси, ноёб тарихий манбалар, архив ҳужжатлари – бу тарих, тирик ўтмиш. Ҳужжатларда

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б.140.

тарихнинг ҳар бир лаҳзаси, санаси тилга киради, содир бўлган воқеа ҳодисаларни ҳикоя қилади. Ҳозирги кунда республикамизнинг 102 та давлат архивларида 8 миллиондан ортиқ йиғмажилдлар, 10 000га яқин идоравий архивларда 2 миллионга яқин, 112 та шахсий таркиб архивларида 5 миллиондан ортиқ ҳужжатлар сақланади. Шу жумладан, Ўзбекистонда ягона бўлган кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий давлат архивида 200000 дан ортиқ фото, 19 000 дан ортиқ кино, 15 000 ортиқ фоноҳужжатлар сақланмоқда¹.

Техника тараққиёти натижасида вужудга келган кино, фото ва фоно (аудиовизуал ҳужжатлар) манбалар XX аср бошларига келиб архив ҳужжатлари сирасига киритила бошлади. Бу ҳужжатлар замонавий техника воситалари: фотоаппарат, кинотасма, видеокамера, ҳамда овоз ёзиш қурилмалари пайдо бўлганидан сўнг яратила бошланган. Ушбу ҳужжатларнинг қоғоз асосидаги ёзма ва чизма тарзидаги ҳужжатлардан фарқли томони ҳам шундаки, улар воқеяликни табиий, бор ҳолича муҳрлайди. Яъни, воқеа юз бераётган муҳит билан бирга воқеа жойидаги ҳолатни умумлаштириб олади. Албатта бадиий, яъни ижодий тасмалар бундан ҳоли, биз биламизки инсон психологиясига ёзувни ўқиб ёхуд эшитишдан кўра воқеани кўз билан кўриш тез таъсир этади ва аниқ хулоса чиқаришга ундайди. Албатта ёзма ва чизма ҳужжатларда муаллифнинг дунёқараши ва қарори муҳим ўрин тутди. Ва шу сабабли ҳужжатларда бир ёқламалик ёхуд ён босиш сезилиши мумкин, лекин тарихни холис ёритишда, холисликда кино, сурат ва овозли тасмалардаги воқеани ёритишда муаллиф эмас балки, объект яъни, ҳужжатдаги кўрсатилаётган муҳит ҳамда иштирокчилар муҳим ўрин тутди. Табиийки, бу ҳужжатларга ҳам бадиий кўшимчалар қўшиш мумкин, лекин унда фақат объект яъни кўрсатилаётган кадрдаги инсон билан бирга унинг атрофидаги муҳит, вазият, ҳамда ҳолат ҳам муҳрланади.

¹ ЎзРКСОҲ МДА жорий архиви.

Кино, сурат ва овозли ҳужжатларнинг эътиборли томонларидан яна бири шундаки, инсон суратни томоша қилаётган пайтда унда муҳрланган вазият, давр сурурини ҳис этади, шу давр ҳаётини кўз олдидан ўтказди, шу билан бир қаторда ўша сурат ёки фильмдан ўзига маънавий озукани ёзувни ўқишдан кўра тезроқ қабул қилади.

Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда тарихни ёритувчи аудиовизуал ҳужжатлар хусусияти ва аҳамиятини илмий таҳлил этиш, улардан тадқиқотларда фойдаланиш усуллари очиқ бериш тарихшунослик ва манбашуносликнинг долзарб масалаларидан бири саналади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси собиқ совет даврида мавзуга оид бир қанча илмий ишлар бажарилган бўлсада, халқнинг маънавий, маданий, тарихий меросини бузиб, бир ёқлама ўрганилган, аслида эса Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов қайд этганидек: “Хоҳ ўтмишда, хоҳ бугун бўлсин, бошқа миллат, давлатни ўзига қарам қилиш ниятида ҳаракат қилган, қилаётган кучлар доимо бир сиёсатни юритганлар, юритадилар: яъни қарам халқнинг маънавий, маданий, тарихий меросини йўқ қилиш, ундан жудо этишга интилдилар”¹.

Ўрганилаётган мавзу тарихшунослиги мазмун жиҳатидан мураккаб ва даврий фарқларга эга бўлгани учун уни илмий-концептуал нуқтаи назардан икки гуруҳга ажратиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ:

- совет даврида нашр этилган адабиётлар;
- мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар.

Биринчи гуруҳ тарихий адабиётларга А.А.Кузин, К.Г.Митаев, Г.А.Белов, В.Коте, В.Л.Магидов, И.А.Сидирова, С.Морозов, М.С.Неппельбаум, В.Новоспаский, Н.К.Тинькова, Р.Арнхейм, А.Вартанов, Л.П.Волков, В.Т.Грюнталь, Л.Гусеева, И.Н.Кунтиков, М.С.Селезнев

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ, – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 24.

асарларини ва яна бир қанча ўқув услубий қўлланмаларни киритиш мумкин.¹ Муаллифлар архив ҳужжатлари нашр тушунчаси, археография назарияси ва методикаси ҳамда кино, сурат ва овозли ҳужжатларнинг архивлардаги масалалари, уларни нашр этиш хусусиятларини ёритиб беришган. М.С.Селезнев, Г.А.Белов, К.Г.Митаев асарларида архив иши ва археография назарияси ва амалиёти масаларига батафсил тўхталиб ўтилган бўлса, А.А.Кузин, К.Г.Митаев, Г.А.Белов, В.Коте, В.Л.Магидов, И.А.Сидирова, С.Морозов, М.С.Неппельбаум, В.Новоспаский, Н.К.Тинькова, Р.Арнхейм, А.Вартанов, Л.П.Волков, В.Т.Грюнталь, Л.Гусеева, И.Н.Кунтиков асарларида асосан технотрон архивлар фаолияти ва аудиовизуал ҳужжатлардан фойдаланиш хусусиятлари тўғрисида маълумотлар беришган.

Иккинчи гуруҳ илмий нашрларига “Ўзархив” агентлиги ахборотномасида Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий давлат архиви фаолиятини ёритишга бағишланган мақолаларни киритиш мумкин².

¹Левин Л. Фотокиноархив // Ж. Архивное дело. – 1926. – № 8-9. – С. 46-48; Зубков В. Значение фотокиноархивных материалов и задачи организации их использования // Ж. Архивное дело. – 1933. – № 3-4. – С. 53-60; Арнхейм Р. Искусство и визуальное восприятие. – М., 1974; Белов Г.А. Теория и практика архивного дела в СССР. / Учебное пособие. – М.; Типография Воровского, 1958; Вартанов А. Становление репортажа. // Сов. Фото, 1976. – №10; Волков П. Архивные фотодокументы и пресса. // Сов. архивы. – 1966. – №2; Волков – Ланнит Л.Ф. Искусства репортёра. – М., – 1974; Грюнталь В.Т. Фотоиллюстрация. Светопись. Трансформация. Фотомонтаж. – М., 1966; Гусева Л. О ритме и фотоискусстве. // Сов. фото. – 1979. – №4; Диденко М.А. Художественные оформление наглядных средств агитации и пропаганды. – М., 1971; Издание документов в научно-популярных целях». – М., 1975.; Кузин А.А. Кинофотофонодокументы. – М.; Типография Главиздат РСФСР. – 1960; Кунтиков И.Н. Кинодокументы в научных исследованиях. – Вопросы архивоведения. – М., 1962. – №2. – С.65.; Митаев К.Г. Теория и практика архивного дела в СССР. – М., 1946; Морозов С. Фотография в науке. – М., 1955; Неппельбаум М.С. От ремесла к искусству. Искусство фоторепортажа. – М., 1958.; Новоспаский В. Фотография в книге. – М.,1973; Основные правила работы государственных архивов с кинофотофонодокументами». Магидов В.Л. и др. под ред. И.А.Сидирова. – М., Типография Воровского. – 1980.

² Юрганова И.И. Организация работы ЦГА КФФД УзССР с ведомствами по отбору фотодокументов на государственное хранение. // Инфор. бюллетень ГАУ при Совмине УзССР. – Т., 1990. – № 3. – С. 10-14; Нуриддинова Т. Использование документов ЦГА КФФД РУз в политических и культурно-просветительских целях. // Ўша жойда. 1991. – № 4. – С. 4 -6; Ли Р.И. ЦГА КФФД РУз – 50 лет // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош Архив Бошкармаси Ахборотномаси. – Т., 1993. – № 10. – С. 20-23; Зокирова Д.Т. Ўзбекистон Республикаси ҚСОҲ МДАда сақланаётган ёзувчи А. Каххор ҳаёти ва ижодига тегишли кино ва овозли ҳужжатлар // Ўша жойда. 1994. – № 11. – С. 6-9; Ўша муаллиф. ЎзР ҚСОҲ МДА ҳужжатларида «Ўзбекистон хотин - қизлари» мавзуси // Ўша жойда. 1999. – № 24. – Б. 17-20; Неъматов П.Н. Ўзбекистон тарихига оид ҳужжатларни қайтариб олиб келиш буйича Россия фоно ва киносурат ҳужжатлари давлат архивларига бориб келганлик ҳақида. // Ўша жойда. 2002. – № 29. – С. 1-5; Иброхимов Н. Дунёга сочилган хазина. // Ўша жойда. 2003. – № 30. – Б. 5-6; Об итогах поездки начальника отдела международных связей Росархива К.Г. Черненкова в Республику Узбекистан. // Информационный бюллетень Росархива. 2003. – № 38-39. – С. 159-162.

Шунингдек, тадқиқотчи М.С.Исакова¹ томонидан амалга оширилган номзодлик диссертацияси ҳамда эълон қилинган мақолаларида Ўзбекистонда кино, сурат ва овозли ҳужжатлар архившунослиги соҳасида амалга оширилган ишлар, архив фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар кўрсатиб берилган. Мустақиллик йилларидаги ўзгаришлар ва нашр ишлари ҳамда архив фаолиятига боғлиқ бажарилган ишлар ёритилган.

Учинчи гуруҳ адабиётлар ва тадқиқотларга В.М.Магидов, Alein Joubert (француз архивчиси) В.П. Козлов, Т.М. Горяева, В.А.Коляда, В.Н.Баталин,² В.А.Еремченко, Е.М.Добрушкин, С.М. Каштановларнинг илмий ишларини киритиш мумкин. В.М.Магидовнинг асари кино, сурат ва овозли ҳужжатларнинг тарихий манба сифатидаги аҳамиятига бағишланади.³ Alein Joubert асари Париж фото архивининг тарихий манбалари уларнинг нашр этиш хусусиятлари ва фотография тарихига бағишланган⁴.

Умуман олганда, тадқиқот мавзусига оид адабиётларнинг тарихшунослик таҳлили, аудиовизуал манбалардан тарихий тадқиқотларда фойдаланиш масаласи яхлит тарзда, етарли даражада ўрганилмаганлигини кўрсатиб беради. Тадқиқот мавзусига оид адабиётларнинг кам миқдорда эканлиги унинг долзарблигини янада оширади.

Тадқиқотнинг манбавий базасини турли хил тарихий ҳужжатлар ташкил этади, уларнинг аксарият қисми биринчи марта илмий муомалага кирилмоқда. Умуман олганда, аудиовизуал манбалардан тарихий тадқиқотларда фойдаланишга доир манбаларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: архив манбалари ва даврий матбуот материаллари.

¹ Исакова М.С. История ЦГАКФФД и его деятельность по созданию фондов культуры Узбекистана. Диссер. канд.истор. наук. – Ташкент, 2004. – 167 с; Ўша муаллиф. Архивы – хранилища фактов истории. // Народное слово, 18 апреля 2001. – 3 с.; Ўша муаллиф. Ўзбекистонда архив ишини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари. // Қонун ҳимоясида, 2003. – №10. – Б. 31-33.

² Баталин В.Н. Об организации кинофотофонодокументов и видеофонограмм в госархивах. // Сов.архивы. – 1989. – №1. – С. 8

³ Магидов М.В. Кинофотофонодокументы как исторический источники. – М. – 1992. – 116 с.

⁴ Alein Joubert “Le commissariat aux archives ces fotos cui fasisent l Histoire”. – Paris, 1986. – P.310.

1. Архив ҳужжатлари. Аудиовизуал манбаларни ўранишда ЎЗР КСОҲ МДАда сақланувчи ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эга, зеро, газета ва журналлардаги мақолалар устидан цензура ўрнатилиб, тарихий ҳақиқат бузиб кўрсатилган бир даврда архив ҳужжатларида реал воқеяликни акс эттирувчи далиллар сақланиб қолган.

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий Давлат архивида сақланаётган ҳужжатлардан фойдаланилди¹.

2. Ишда кенг кўламда фойдаланилган даврий матбуот нашрлари сирасига дастлаб “Ўзбошархив” бошқармаси, ҳозирда “Ўзархив” агентлиги ахборотномасида чоп этилган мақолалар киради.

Юқорида санаб ўтилган манбаларни қиёсий таҳлил усули ёрдамида ўрганиш танланган мавзунини ёритишда муҳим аҳамият қасб этди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Диссертацияда аудиовизуал манбаларни ҳар томонлама ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш, уларни тарихий манбалар тизимидаги ўрнини кўрсатиш ҳамда тадқиқотлардан фойдаланиш усуллари ёритиб бериш мақсад қилиб белгилаб олинди.

Қўйилган мақсадни амалга оширилиши қуйидаги вазифаларни ҳал этишни тақозо қилади:

- тарихий манбалар ичида аудиовизуал ҳужжатларнинг аҳамиятини очиқ бериш;
- аудиовизуал манбалар хусусиятини ёритиш масаласи;
- кино, сурат ва овозли ҳужжатларни ўрганилиши тарихини ёритиш;
- замонавий тадқиқотларда аудиовизуал манбалардан фойдаланиш усуллари билан танишиш;
- Ўзбекистон тарихини ёритишда аудиовизуал манбалардан фойдаланиш усуллари ўрганиш;

¹ ЎЗР КСОҲ МДА жорий архиви.

- олиб борилган тадқиқот натижаларини умумлаштириш ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг методологик асослари. Ишда қиёсий таҳлил ва тизимли ёндашув усулларида фойдаланилди. Бу эса турли хил манбаларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш имконини берди. Диссертацияда тарихийлик ва объективлик тамойилларига амал қилинганлиги мураккаб ва зиддиятли жараёнларни очиб бериш, совет давридаги эълон қилинган ишлар муаллифларининг бир ёқлама, мафкуралашган хулосаларини холис баҳолашга хизмат қилди.

Фуқаролик жамиятига асосланган демократик давлат куриш ҳақидаги замонавий қарашлар, тарихий тадқиқотларда янги турдаги манбалардан фойдаланиш усуллари ишнинг **назарий** асоси бўлиб хизмат қилди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарларидаги ўзбек давлатчилиги тарихини холис ўрганиш ва янги концепциясини яратиш борасидаги илмий-назарий, концептуал тавсиялари алоҳида қимматга эга бўлди¹.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ишда аудиовизуал манбалардан тарихий тадқиқотларда фойдаланишга доир манбашунос олимлар томонидан ишлаб чиқилган усуллар ўрганиб чиқилди ва умумлаштирилди.

Шунингдек, кам ўрганилган манбалар илмий истеъмолга киритилди. Олиб борилган тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, тегишли илмий хулосалар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. Магистрлик диссертацияси материалларидан Тарих йўналиши талабларига семинар ва амалиёт машғулотлар ўтишда ҳамда мустақил ишларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ишдаги маълумотлардан тарихий

¹Каримов И.А. Ўзбекистон мутақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 440; Ўша муаллиф. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б; Ўша муаллиф. Баркамол авлод орзуси. – Т.: Шарқ, 1998. – 184 б.

манбашунослик бўйича илмий мақола ва презентациялар ишлаб чиқишда қўлланилиш мумкин.

Диссертация натижаларининг жорийланиши. Олиб борилган изланишлар натижасида республика илмий амалий анжуманлари тўпламларида иккита мақола чоп этилди¹.

Ишнинг таркибий тузилиши. Магистрлик диссертацияси кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

¹Дармонова М.А. Кино, сурат ва овозли ҳужжатларнинг тарихий манба сифатида ўрганилиши. // Тарихий манбашунослик муаммолари. – Т., 2013. – Б. 87-91; Тарихни ёритишда аудиовизуал манбалардан фойдаланиш хусусида. // Ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги XI илмий – амалий конференцияси тезислари. – Тошкент, 2014. – Б. 74-77.

I БОБ. АУДИОВИЗУАЛ МАНБАЛАР ТАРИХШУНОСЛИГИ ВА НАШРГА ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ

1. Кино, сурат ва овозли ҳужжатларни ўрганилиши тарихи

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди таркибига киритилган аудиовизуал ҳужжатларнинг тобора манбавий аҳамияти ошиб бормоқда. Мазкур манбалар воқеаларни асл ҳолига акс эттириш моҳиятига кўра фото ва кино ҳужжатларга ҳамда товушли сўзлар орқали ифодаланишига кўра эса фоно (овозли) ҳужжатларга ажратилади.

Аудиовизуал манбаларнинг ҳар уч тури ҳам Ўзбекистон тарихини ёритишда ўзига хос етакчи ўринга эга. Кино, сурат ва овозли ҳужжатлар тадқиқотчига ўрганилаётган давр, жараёнлар ҳақида маълумот берувчи муҳим ва ҳаққоний далил бўлиб хизмат қилади.

Аудиовизуал манбалар мазмуни турличадир. Улар бизга Ўзбекистон халқининг келиб чиқиши тарихи, маданияти, турмуш тарзи, шаҳар ва қишлоқларнинг кўринишлари, байрам-тантаналарнинг нишонланиши, халқ таълим тизимини ривожланиши, аجدодларимиз санъати ва адабиёти ҳақида маълумот беради. Ушбу манбаларнинг ўзига хослиги шундаки, улар маълум воқеани айна вақтида тасвири кўриниши ва иштироқчиларнинг ҳис-туйғуларини борица ифодалаб, очиқ беради.

Кино, сурат ва овозли ҳужжатларининг илмий - тарихий қиймати тобора ортиб бориши натижасида XX асрнинг 60-йилларида уларни тарихий манба сифатида тадқиқ этиш бошланди. Л.Н. Пушкарёвнинг манбашуносликка оид монографиясида тарихий манбаларни мазмун ва моҳиятига кўра 7 гуруҳга ажратиб, кино, сурат ва овозли ҳужжатлар алоҳида гуруҳга бўлинади.¹

Кейинги йиллардаги тадқиқотлар Л. Пушкарёвнинг ушбу манбаларини алоҳида гуруҳда бўлинишига эътироз билдириб, уларнинг кодлаштириш ва

¹ Пушкарёв Л.Н. Вопросы классификации источников в русской исторической науке XIX-XXвв.// История СССР. – М., 1963. № 5. С. 79-93. Унинг ўзи. Классификация источников в советском источниковедении (1917-1964гг.) // Вопросы архивоведения. – М. 1965. № 1. С. 22-30.

ахборот бера олиш имкониятлари яқинлигини эътироф этадилар. бир-биридан ажратиш илмий жихатдан нотўғрилиги кўрсатиб беради¹.

Умуман олганда, мазкур йўналишда илмий изланиш олиб борган тадқиқотчиларни икки гуруҳга ажратишимиз мумкин:

1) кино, сурат ва овозли ҳужжатлар таҳлиliga танқидий муносабатдаги, таркиб ва мазмунига кўра тарихий манбанинг қайси турига мансублигини ўрганувчилар;

2) кино, сурат ва овозли ҳужжатларнинг архив фондидаги ўрни ва уларни санъатшунослик ёки тарихшуносликка оидлигини аниқлаб, сақлаш учун танлаб олиш нуқтаи назаридан ўрганувчилар.

Изланишлар орасида М.С.Фесуненко, И.Н. Кунтиков, Р.М. Рошаль, В.С. Листов, Е.М. Никифоров ва Н.В. Мандральская, В.М. Магидовларнинг тадқиқотлари ажралиб туради.

И.С.Фесуненко ўз ишида кино, сурат ва овозли ҳужжатларнинг шакли ва таркибий қисмига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратади:

- а) ҳужжатли фильмлар;
- б) илмий-оммабоп фильмлар;
- в) даврий кино ҳужжатлар;
- г) бадий фильмлар ва кино ҳужжатлар. Ушбу классификацияга асосланиб, муаллиф кино ҳужжатларини давлат тасарруфида сақлаш олдидан уларни “томошабин эътирофидаги” ва “томошабин эътиборидан четда”гиларни саралашни кўзда тутди².

И.Н.Кунтиков ўз изланишларида И.Фесуненко ғояларига асосланиб, манбалар табиати ва таркибига кўра улардан қуйидаги мақсадларда:

¹ Варшавчик М.А. Источниковедение истории КПСС. – М.: Высшая школа. – 1973. – С. 360., Мандральская Н.В. Аудиовизуальные источники историко-партийной науки и их использование в изучении деятельности партии (на материалах Узбекистана) периода Великой Отечественной войны 1941-1945гг.: Дис... канд. истор. наук. –Ташкент, 1981. – С. 47-49.

² Фесуненко И.С. Значение кинофотофонодокументов как исторического источника и основные задачи комплектования ими Государственного архивного фонда Союза СССР – Труды МГИАИ. Том 16 – М., 1961. – С. 7-14; Ўша муаллиф. О комплектовании Государственного архивного фонда СССР документами и некоторых критериях их источниковедческого анализа.//Вопросы архивоведения. – М., 1962. – №4. – С. 12-20.

а) иллюстрация (тасвирий);

б) қўшимча манба;

в) асосий манба сифатида фойдаланишни таклиф қилади. Бунда муаллиф кино, сурат ва овозли ҳужжатларни иллюстрация сифатида қўлланишда воқеилик ёзма баён этилганда, унга назарий ёки образли кўриниш берилади. Шу билан бирга иллюстрация воқеиликни ёритишда қўшимча манба вазифасини ҳам ўтайди¹.

Воқеа ҳодиса ёки бирор детальни матнли ҳужжатлар орқали тўла тасвирлай олинмаса кино, сурат ва овозли ҳужжатлар асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Л.М. Рошаль кино манбаларни кенг тарзда ўрганган. У аввало кино ҳужжатларни кўнгилоҷар ва ҳужжатли фильмларга ажратишни таклиф этади. Муаллифнинг фикрига кўра бу орқали тадқиқотчи ҳужжатдаги инсценировка (бўртириб кўрсатиш)ни ажратиб олиши осон бўлади. Тарихий маданиятдан сўзловчи кўнгилоҷар фильмларни ҳам Л.Рошаль ҳужжатли фильмлар қаторига киритади. Ўз ўрнида барча ҳужжатли фильмларни қуйидагиларга бўлади:

1) ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақидаги тасвирлар;

2) тарихга оид илмий маданий ва кашфиётлар ҳақидаги илмий-оммабоп кино манбалар;

3) заводлар, илмий ишлаб чиқариш институтлари билан студиялар кинофильмлари;

4) бадиий кино.

Муаллиф қўшимча тарзда киноҳужжатлар таҳлили учун “йўналиш берувчи” материал – фильмларни олиш жараёнида ёзма ҳужжатлар (адабий ёки режиссёр сценарийлари, сухандон матни, оператор аннотациялари, либретто) ва ўша воқеиликни ёритишдаги ёрдамчи манбалар суратлар,

¹ Кунтиков И.Н. Кинофотофонодокументы в научных исследованиях.// Вопросы архивоведения. – М., 1962. – №2. – С. 55-59.

газетадаги мақолалар, воқеа иштирокчиларининг хотиралари ва архив ҳужжатларидан фойдаланиш кераклигини айтиб ўтади. Л.М. Рошаль ўз изланишларида Е.И. Никифоров ва Л.Н. Пушкарёвларнинг фикрларига қўшилган ҳолда бадиий кўргазмалилик кино ҳужжатларнинг асосий вазифаси эканлигини таъкидлаб ўтади¹.

Манбашунослик таҳлили соҳасида В.С.Листов ҳам ўзининг катта ҳиссасини қўшган. У манбашуносликнинг кино ҳужжатлари таҳлилинини уч босқичда олиб боришни таклиф қилади. Булар кадр, режа ва монтаж. Кадрда асос ва эркин кўринишидаги кино манба жонланади. Режа кетма-кетликдаги кадрлардан иборат бўлиб, монтажда барчаси бир бутунлик ҳосил қилади. В.С.Листовнинг фикрига кўра кадр тартибида кино манбалар ўрганиш кенгроқ маълумотлар олишга ёрдам беради, шунингдек режа ва монтаж жараёнида муаллифнинг воқеялик борасидаги тасаввурини бойитади. У яна манбашуносликка янги – “киноскрипт” атамасини олиб кирди. Киноскрипт бу тасвирдаги қўшимча ёзма манбалар (плакат, эълонлар, кўча номлари ёзилган тахтачалар ва ҳ.к)². Киноскриптлар ўрганиш тадқиқотчига ўрганилаётган воқеа қайси жой ва вақтда бўлиб ўтганини аниқлашга ёрдам беради³.

В.С.Листовнинг кино ҳужжатлар таҳлили борасидаги услубларини Е.И.Никифоров бир мунча кенгайтди. Унинг фикрича кинокадр – мавжуд воқеяликнинг маълум онларини ўзида муҳрлайди ва ундаги тасвирлар томошабинларни ҳисларини уйғотиши мумкин, лекин уни фикрлашга бирлаштириб кинофраза ҳосил қилиши билан тадқиқотларни очиб бориши мумкин. Кинофразанинг ўзи воқеяликда бир кадрга эътиборни қаратиб, унинг тасвирда воқеялик мазмуни ва ҳис-туйғулари катта режада очиб

¹ Рошаль Л.М. Некоторые вопросы источниковедческого анализа кинофотофонодокументов. / Труды МГИАИ. Том 17. – М., 1963. – С. 39-49.

² Листов В.С. Приемы источниковедческого анализа киноскриптов документального кино периода Октябрьской революции и гражданской войны. / Труды МГИАИ. Том 24, вып. 2. – М., 1966. – С. 238.

³ В последующие годы исследователями стали применяться способы анализа кинодокументов на уровне кадра относительно и к фотодокументам.

берилади. Асосий кадр иш муаллифи ва кино ишлаб чиқарувчи ҳоҳшига кўра кинофразанинг бошида ўртасида ёки охирида берилиши мумкин. Ўз навбатида кинофразалар билан кинообзац ҳам бирикиши мумкин.

Кинонинг туб бурилишларида кинонинг асл моҳиятини очиб беради. У ўзида кинокомбинацияларнинг ранг-баранглигини намоён этиб, образ руҳияти кўрсатиб берилади. Буларнинг барчаси фильм воқеялигини очиб беришга хизмат қилади. Шулардан келиб чиқиб фильм сюжети муаллифнинг киноҳужжатга қай тарзда ёндашишига боғлиқ. Фильмни мазмун бирлигини эса кинофразалар вужудга келтиради, - дея таъкидлайди Е.Никифоров ўз изланишларида¹.

XX асрнинг 70 йилларига бориб аудиовизуал манбалар янада ривож топди. Бу соҳа муаммолари шу даврга келиб КПСС тарих манбашунослиги адабиётларига киритилди.

М.А. Варшавчик ўз тадқиқотларида тарихий манбаларни умумий ва таркибий жиҳатдан танқидий ўрганиб чиқиб, умумий методик услубни ишлаб чиқади². Умумий (аналитик) услуб аниқ масалалар ечимини кетма-кетликда амалга оширади: асл манбани топиш, ишончлилигини аниқлаш, манбани илмий қийматини белгилаш, таққослаш асосида танқидий ўрганиш. Манбани таркибий (синтетик) жиҳатдан, танқидий услуб жиҳатдан кўпгина манбалар ўрганилган ва бу услуб ўзини самаралилигини кўрсатган. Бу услуб кейинчалик кинофотофоноҳужжатларнинг танқидий таҳлиллари ўтказилиб бошқа муаллифлар томонидан янада ривожлантирилди.

Е.М. Ефгаровнинг ўқув қўлланмасида кино ҳужжатларни танқид қилиши бўйича ҳужжатли фильмлар асосида киноленталар таҳмини олиб бориш услублари ишлаб чиқилган³. У хабарли – ҳужжатли фильмларни

¹ Никифоров Е.И. О критическом анализе киноматериалов и их места в Государственном архивном фонде. // Советские архивы. – М. – 1968. – № 2. – С. 84-89.

² Варшавчик М.А. Источниковедение истории КПСС. – М.; Высшая школа. 1973. – С.360.

³ Евгаров Е.М. Кинофотодокументы как исторический источник. Учебное пособие. – М.: Изд. МГИАИ, 1973. – С. 46.

тасвирга олиш чегараларини аниқ таснифлаб, булар ҳужжатлар таҳлилини услубини аниқлайди, тадқиқотчиларга кенг имкон беради.

Кино, сурат ва овозли ҳужжатлар манбашунослиги масаласига танқидий ёндашув ҳужжатлар ишончилигини аниқлашга ёрдам бериб, бу нарса кейинчалик манбашунослик таҳлиллари методикасига улкан ҳисса қўшди. Бу даврга келиб ўлка тарихшунослигида биринчилардан бўлиб диссертация ишида Ф.М.Шамаева¹ кино, сурат ва овозли ҳужжатлардан Ўзбекистон КПСС тарих манбашунослигида илмий жиҳатдан фойдаланиш муаммоларига тўхталиб ўтди. У ўз изланишларида (мисол тариқасида) 1917-1937 йилларига оид Ўзбекистон компартияси тарихини ёритувчи Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий давлат архиви фотоҳужжатларидан фойдаланади. У фотоҳужжатларни рақамлаштириш мақсадида аниқ воқеъликлар асосида мавзуй карточкалар тузиш услубини ишлаб чиқади.

1980-йиллардан то ҳозирга кунгача бўлган кино, сурат ва овозли ҳужжатлар таҳлилига оид адабиёт анчагина фарқланади. Тарихшуносликнинг аудиовизуал манбалардан фойдаланиши масаласига жиддий ёндашганлардан бири Н.В. Мандральская². У ўз тадқиқотларида II жахон уруши даврида Ўзбекистон компартияси олиб борган ишларига оид фотофоноҳужжатларни таҳлил қилиш орқали амалга оширилган ишлар ва аудиовизуал манбаларни ўрганиш системасини тузган: “Кино, сурат ва овозли ҳужжатларнинг манба сифатидаги классификацияси” ва “тарихий воқеаларнинг вужудга келиши ва техник фиксациясига оид кинофотофоноҳужжатлар классификацияси”, бу муаллиф томонидан тадқиқот ишида монография таркибида схема кўринишида берилган.

¹ Шамаева Ф.М. Кинофотофонодокументы как источники КПСС (на материалах Узбекистана 1917-1937 гг.) .: Дис... канд. истор. наук. – Т.: ТашГУ. 1975.

² Мандральская Н. В. Аудиовизуальные источники историко-партийной науки и их использование в изучении деятельности партии (на материалах Узбекистана периода Великой Отечественной войны 1941-1945гг.): Дис... канд. истор. наук – Т., 1981. – С. 233.

Кино, сурат ва овозли ҳужжатлар классификациясини тузар экан, муаллиф тарихий манбалар таркибига кўра уларни қуйидагиларга ажратади: даврий киножурналлар, жараёний, махсус кўрсатувлар, хабарли-ҳужжатли фильмлар ва ёзувли кинолар. Фото ҳужжатларни қуйидагиларга бўлган: портрет, пейзаж ва воқеавий. Овозли ҳужжатлар эса: съездлар, митинглар, йиғилишлар ва фоноинтервьюлар.

Н.В.Мандральская томонидан ишлаб чиқилган овозли манбалар таҳлилининг танқидий методикаси ўз ўрнида иккита элементни ўз ичига олади:

1) воқеъликни таркибий жиҳатдан бирон-бир тарихий персонаж томонидан таҳлил қилиниши (бунда ёзма манбалар таҳлили услубига яқин услубдан фойдаланилади);

2) бирон-бир жараённинг қаерда содир бўлганлигини аниқлашда ёрдам берувчи маълумотларни ўрганиш.

Муаллиф томонидан овозли ҳужжатларга муаллифлик муаммоларига ҳам тўхталиб ўтилади. Тадқиқотчи фикрича, овозли ҳужжат муаллифи бевосита ўрганилаётган воқеълик ҳақида маълумотга эга бўлмоғи керак. Шу тариқа Н.В.Мандральская кино, сурат ва овозли ҳужжатлар манбашунослик таҳлилини ўтказиш бўйича таклифлар билдирган.

Кино, сурат ва овозли ҳужжатларининг манбашунослик таҳлили муаммолари ривожига В.М.Магидов ҳам ўз ҳиссасини қўшган¹. У биринчи икки мақоласида кино, сурат ва овозли ҳужжатлар таркиби, уларнинг тарихи, ишончлилиги ва спецификаси ҳақида маълумотлар берган. Совет тузумининг илк йилларидаги кино, сурат материалларини таҳлил қила туриб,

¹ Магидов В.М. Кинодокументы: проблемы источниковедческого анализа и использования в исторических исследованиях. // История СССР. – М., 1983. – № 1. – С. 92-103; Ўша муаллиф. Кинофотодокументы Государственного архивного фонда СССР периода Великой Октябрьской Социалистической революции. Некоторые проблемы исторического анализа и публикации. (К постановке вопроса). // История СССР. – М., 1987. – № 5. – С. 129-148; Ўша муаллиф. Кинофотофонодокументы как объект источниковедения (историографик вопроса). // Советские архивы. – М., 1991. – № 4. – С. 27-38; № 5. – С. 12-22. Ўша муаллиф. Кинофотофонодокументы как исторический источник. // Отечественная история. – М., 1992. – № 5. – С. 104-116.

В.Магидов кадр ва режани амалга ошириш жараёнида кинохужжатлар синтетик таҳлилида қиёслаш муҳимлигини қайд этади.

Мустақиллик йилларида ўлка тарихшунослигида Ж.Раҳимов биринчилардан бўлиб ўз қўлланмасида тасвирий воситалар - фотосуратлардан фойдаланиб XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Туркистон ўлкасидаги сиёсий жараёнларни ёритиб берган¹. Бу суратлар ва муаллиф томонидан берилган шарҳлар тарихий, воқеалар ҳақида тасаввур уйғотади, лекин муаллиф ўз аннотациясида суратлар қачон, қаерда ва ким томонидан амалга оширилганлиги ҳақида маълумот бермайди. Шу сабабдан, у тарихшунослик ва архившунослик принципларига риоя қилмаган ҳолда, ҳужжатларни қайта ишлагани ва нашр этганини айтиши мумкин.

Туркистон ўлкаси тарихига оид фотохужжатларни ўрганишда Б.А.Голлендер ўз монографияси² ва илмий мақоласи³ билан сезиларли ҳиссасини қўшди. У ўз китобида суратлар тарихини ва Туркистондаги илк фотостудиялар очиш ва илк фотосуратлар ҳақида маълумотлар берган. У бундан юз йил олдин чиқарилган антиқа почта открытка негативларидан Туркистоннинг асл қадимий ўтмишини тасвирлайди. У ўз китобида Ўрта Осиёга фотографияни кириб келиши, биринчи фотографлар ва улар олган суратлар ҳақида маълумотлар берган.

Мазкур ҳужжатларни тарихий аҳамияти, ЎЗР КСОҲ МДА фаолияти ва уни маданият тарихини ёритувчи фондлари таҳлили М.С.Исакованинг номзодлик диссертацияси ва илмий мақолаларида ўз ечимини топган⁴.

¹ Раҳимов Ж. Использование архивных материалов при изучении истории Узбекистана. Сборник наглядных архивных документов для учебника 8 класса по истории Узбекистана. (Дидактическое учебное пособие для учителей школ). – Т.: Ўзбекистон, 1997. – С. 62.

² Голлендер Б.А. Окно в прошлое. Туркестан на старинных почтовых открытках (1898-1917гг.). – Т. ЛИАР Элинина. – М., 2002. – С. 62.

³ Голлендер Б.А. Иудаика на туркестанских почтовых открытках./ Евреи в Средней Азии: вопросы истории и культуры. Сборник науч. статей и докладов. – Т.: Фан, 2004. – С. 64-67.

⁴ Исакова М.С. История Центрального государственного архива кинофотофонодокументов и его деятельность по созданию фондов культуры Узбекистана. / Диссер. Канд. истор. наук. – Т.: НУУз, 2004. – 165 с.; Ўша муаллиф. Сокровищница ценных источников по истории Узбекистана (к 60-летию ЦГА КФФД РУз). // Общественные науки в Узбекистане. – Т., 2003. – № 1-2. – С.82-85; Ўша муаллиф. Значение

Киноманбаларнинг сифатлилигини аниқлашда улардан қуйидагича фойдаланилади. Биринчи йўли – киноматография режасидан олинган кинокадрлар қўлланмаларини яхшилаб ўрганиш. Бу турдаги жадвал фрагменти С.В.Туровцева, В.Н.Баталин ва Г.Е. Мальшевдалар¹ принциплари томонидан ишлаб чиқилган. Муаллифлар ўз мақолаларида кинохужжатлар таҳлили методини етарли эмаслигини таъкидлаш билан бирга, улар манбашунослик танқиди борасида мавзули фотоальбомларни ташқи тарафдан тегишли ҳолга келтиришда уларни зичлаш, ҳар бир фотосуратни хужжатлаштириш, ички тарафлама таҳлил қоидаларига кўра танланган мавзу бўйича аниқ комплекс асосида тартиб билан тасвирли манбаларни яратиш лозим.

Юқоридаги адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, барча муаллифлар ўз ишларида кино, сурат ва овозли хужжатлар таҳлили методларини ишлаб чиққан. Кино, сурат ва овозли хужжатларнинг манбашунослик таҳлиliga оид метод (услуг)ларни ўрганишимизда унда республика тарихини очиб берувчи илмий, таълим, адабиёт ва театр санъатига оид бўлган монография² ва диссертация ишларини кўрамиз. Уларда мазкур манбаларни ўрганиш мавзунини кенгроқ, аниқроқ ва ишончли очиб беришга хизмат қилади.

архивных фотографических альбомов как исторических источников в процессе изучения истории Узбекистана. // Вестник Каракалпакского отделения АН РУз., 2005. – № 1-2. – С. 93-94; Ўша муаллиф. Центральный государственный архив кинофотофонодокументов Республики Узбекистан в современных условиях. // Вестник архивиста. Информационный бюллетень. – М., 2006. – № 2-3. – С. 213-221; Ўша муаллиф. Использование аудиовизуальных источников в исторических исследованиях. // УзМУ хабарлари. – Т., 2006. – № 4. – С. 43-45 ва бошқ.

¹ Туровцева С.В. Источники по истории русского флота: Альбомы военной фотографии второй половины XIX- начала XX века. // Отечественная история. – М., 1996. – № 5. – С. 95-105; Баталин В.Н. и Мальшева Г.Е. Проблемы внешней критики фотодокументов в процессе их источниковедческого анализа.// Отечественные архивы. – М., 1994. – № 2. – С. 15-17.

² Мандральская Н.В. Запечатлённые образы войны (фото и фоноисточники об Узбекистане в годы Великой Отечественной войны). – Т.: Узбекистан, 1987. – С. 24-27.

2. Кино, сурат ва овозли ҳужжатларни нашрга тайёрлаш хусусиятлари

Кино, сурат ва овозли ҳужжатларни нашр этиш тури, кўриниши ва шакллари. Кино, сурат ва овозли ҳужжатлар типографик, нотипографик ва аралаш усуллар билан нашр этилиши мумкин. Типографик нашр этиш мақсадга кўра ушбу ҳужжатларни эълон қилиш илмий, илмий-оммабоп ва ўқув турларига бўлинади.

Илмий мақсадда эълон қилинувчи кино, сурат ва овозли ҳужжатларни нашр этишда умумий комплекс ҳужжат, воқеа, ҳодиса ёки жараён олиниб, унинг қисқача мазмунини кенг очиб бериш, кинофото ва овозли ёзувни аниқ техник аҳамиятини изоҳлаш, илмий маълумотнома аппаратида тарихнавислик, маданиятшунослик ва археографик таҳлил намоён бўлиши лозим. Мазкур ҳужжатларни эълон қилишга тайёрлашда уларни ҳам тарихий манба шу билан бирга бадий асар эканлигига аҳамият берилиши керак. Ҳар бир ҳолатда таҳлил йўли ва услубларини (комплекс манбани) кўриб чиқилиши лозим. Кинематограф, фото, теле ва радио журналистика мутахассислигида тарихий манбани кенг ва аниқ ёритиб тадқиқотни очиб бериш масалалари қўйилади. Нашрнинг мақсадига боғлиқ ҳолда алоҳида кинокадр, фотосурат ва овозли ҳужжатлар матнига матн сценарийси, либретто, муаллиф сўзи ва бошқалар қўшилиши мумкин.

Кино, сурат ва овозли ҳужжатларнинг илмий-оммабоп услубий мақсадида эълон қилиниши, бир мунча аниқ бадий ва эмоционал (қизиқарли ва завқли) аҳамиятга эга кино, сурат ва овозли ҳужжатлар танлаб олинishi талаб этилади. Бу турдаги нашрлар кенг омма учун мўлжалланган бўлиб, тарғибот-ташвиқот ва бадий-маърифий мақсадларда тайёрланади.

Ўқув услубий мақсадидаги нашрларда кино, сурат ва овозли ҳужжатлар маълум бир мавзу ва бўлим бўйича аниқ, равшан ёритилиши талаб этилади. Бундай нашрлар мактаб дастурлари, ўрта-махсус таълим

муассасалари, олийгоҳлар талабалари, малака ошириш институтлари, халқ университетлари тингловчилари ва бошқа таълим даргоҳларида ўқув дастурларида қўлланиши учун мўлжалланган.

Кино, сурат ва овозли ҳужжатларнинг типографик нашрлари кўринишлари эълон қилишга тайёрлаш билан боғлиқ ҳолда, нашрлар коллекциялар, мавзули йиғма, ҳамда муаллиф ёки жанрнинг умумийлиги кўринишида бўлиши мумкин. Маълум бир муаллиф томонидан яратилган ҳужжатларни нашр этишда муаллиф (манба яратувчиси)нинг бадиий фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Бир шахсга тааллуқли ҳужжатларни эълон қилишда унинг тасвири яъни, ҳаёти ва илмий фаолиятини ёритувчи ҳужжатларга урғу берилади. Бундай нашрлар кино, сурат ва овозли ҳужжатларнинг нашр услуби илмий мақсаддаги коллекция кўринишида бўлади.

Кино, сурат ва овозли ҳужжатларнинг типографик нашр шакллари: серияли нашр, фотоальбом, фотобуклет, фотооткритка, фотомажмуа, фотоплакат, кўргазмали ва тиражли мажмуалар, монографияга илова ва шу каби нашр шаклларига ажратилади.

Фотооткритка — жорий этилган форматдаги, қоғозга туширилган суратли ҳужжат ёки кинокадр репродукцияси, қўшимча ёзув ёки матн, изоҳли тасвир билан берилади.

Фотомажмуа — фотооткриткалар, суратларнинг маълум бир мавзудаги жамланмаси.

Фотоплакат — йирик, композиция шаклидаги қоғозга туширилган кинокадр ёки суратли ҳужжат тасвири.

Кўргазмали мажмуа — фотоплакатларнинг маълум бир мавзудаги жамланмаси.

Фотокитоб — суратли ҳужжат, кинокадр, фрагментлар, видеофонограмма ва шу турдаги манбаларни тасвирий материал ва матн,

мавзу ёки композицияларнинг сюжетларини ёритилган ва кетма-кетликда изоҳланган мажмуа.

Овозли ҳужжатларнинг типографик нашр шакллари. Фоно яъни, овозли ҳужжатларнинг типографик наشري бу овозни ёзма кўринишга келтириш билан изоҳланади. Овоз қоғозга ёзилиб унга шарҳ берилади.

Кино, сурат ва овозли ҳужжатларнинг типографик бўлмаган нашр этиш усуллари. Турли хилдаги ахборот ташувчиларда эълон қилиниши, ҳужжатнинг асл кўриниши ҳолатидаги маълумотларни узатиш. Кино, сурат ва овозли ҳужжатларнинг типографик бўлмаган нашрлари икки хил усулда: кинематограф, ҳамда овоз ёзиш орқали амалга оширилади.

Кино, сурат ва овозли ҳужжатларнинг типографик бўлмаган нашр этиш кўринишлари. Кинематограф, режиссёр ёки тадқиқотчини олиб бораётган мавзу бўйича ҳужжатлар жамланмаси ва нашр мақсадига кўра фарқланади. Илмий, ўқув ёки бадий публицистик, овозли ҳужжатларда эса мавзули жанрли, муаллиф ёки бир шахсга тегишли манбалар кўринишида бўлади.

Кино, сурат ва овозли ҳужжатларнинг шакллари турли хилдаги: фильм, киножурналлар, кино, телесюжетлар, видеофильмлар, диафильмлар, эшиттиришлар, радиоочерклар. Ҳужжатли фильм ва киножурналлар ҳужжат аслидаги воқеа, жараён, далиллар асосида тайёрланади. Илмий кинолар куйидаги кўринишларда бўлиши кузатилади: илмий-омабоп фильмлар, киножурналлар, илмий-тадқиқот ва ўқув-услубий фильмлар, лекциялар.

Кино ва телесюжет - киноҳужжатларни аниқ бир воқеа, жараён ёки эпизод ҳақидаги наشري.

Видеофильм – киноҳужжатларни турли ахборот ташувчиларда тасвир ва овоз уйғунлигида нашр этилиши.

Диафильм – суратли ҳужжатлардаги тасвирларни кинотасмада умумий бир мавзу бўйича тартибли эълон қилиниши.

Овозли ҳужжатларни типографик бўлмаган нашр шакллари. Турли ахборот ташувчиларда (грампластинка, магнитофильмлар, фонохрестоматия) нашр этиш кўринишлари. Мазкур жараёнларда ҳозирда электрон ахборот ташувчилардан кенг фойдаланилмоқда.

Фонохрестоматия – овозли ҳужжатлар мажмуаси шаклидаги услубий нашр кўриниши.

Магнитофильм – овозли ҳужжатларни касета (тасмали) ёки компакт диск ва электрон рақамли ахборот ташувчилардаги нашр этиш шакли.

Овозли китоб – бу нашрда матн, кино, суратли тасвир ёки овозли ҳужжат грампластинка кўринишида йиғилади ёки корверт мажмуа сифатида бир мавзули ва компазияли этиб тайёрланади.

Овозли журнал – грампластинка ва тасвир ҳамда матн бир журнал сифатида йиғилади. Бундай журналлар махсус тайёрланиб, грампластинка журналдан ажратиб олинмаган ҳолда тингланади.

Ҳозирги кунда электрон рақамли форматдаги ахборот ташувчилардан кенг фойдаланилмоқда. Интернет тармоғи ва турли локал ёки глобал тармоқлар воситасида замонавий кўринишдаги кино, сурат ва овозли ҳужжатларнинг сақловлари, ҳамда улардан фойдаланиш йўлга қўйилмоқда.

Кино, сурат ва овозли ҳужжатларни нашр мавзуси ва эълон қилиш шакли ҳамда мақсадига кўра йиғиб аниқланади. Аввало махсус архивларда сўнгра, агар жоиз бўлса умумий профилли яъни кино, сурат ва овозли ҳужжатларни сақлов фондларига эга архивларда фаолият олиб бориш тавсия этилади. Матнли нашр кўзда тутилган бўлса, мавзуга оид адабиёт ва манбалар билан бирга архив фондлари ҳақида ҳам чуқур ўрганиш талаб этилади. Маълум вақтларда оммавий ахборот воситаларининг илгариги нашрлари, эшиттиришлари ва кўрсатувларида қайси мавзу қанақа мақсадда ёритилганлигига эътибор берилади. Эълон қилинган ва аксинча мурожат этилмаган ҳужжатларни мавзу доирасида нашр мақсадига кўра сараланади.

Ҳар бир ажратиб олинган ҳужжатга белгилаб қўйилган намуна бўйича карточка тузилади.

Кино, сурат ва овозли ҳужжатларни тури ва кўринишига кўра танланган манбалар нашр мавзусини тўлиқ ёки маълум қисмини ёритиб бериши керак, бир жанрга тегишли ёки бир шахсга оид манбалар алоҳида аҳамият касб этади. Кино, суратли ҳужжатларни сахналаштирувчи, фотомонтаж, маълумотлар боғлиқлиги, муаллифнинг дунёқараши ва бошқа жиҳатларга, булардан ташқари ёзилиш жараёнига алоҳида эътибор талаб этилади, яъни ёзув қайси кўринишда, қаерда (транслация ёки студия ёзуви), ҳамда мулоқот тўғридан-тўғри амалга оширилганми ёки аввалдан тайёрланган матн бўйича бажарилганми, айнан манна шу жиҳатлар ўрганилиши зарур. Аҳамиятли томонларидан яна бири кино, сурат ва овозли ҳужжатлар бадиий ижод асари сифатидаги қийматидадир. Бадиий салоҳият, композицион-сюжет, яқка асар маъноли, равшан ифодааланганлиги, асл нусхалиги, ўз шакли ҳолати, ижодкорнинг маҳорати ва бошқа шу каби омиллари ҳам эътиборлидир. Овозли ҳужжатларни танлашда энг аввало манбани овоз ҳолати яхши ҳолатда бўлиши лозим. Тарихчи агар овозли ҳужжатни ёзма яъни, босма нашрда эълон қилмоқчи бўлса, манбадаги маълумотларни қоғозга тушириши мумкин, лекин агар эълон қилиш бошқа турда амалга оширилса, у ҳолда манба ҳолати бўйича реставрация (қайта ишлов) ўтказиш талаб этилади. Кино, суратли ҳужжатларни танлашда агар эълон қилиш теледастур ёки кино тури мақсадида бўлса, исталган жанрда (ҳужжатли ёки бадиий) бўлсин манбаларнинг барча қисмларига монтаж талаб этилади, шу аснода тайёрланган фильм ҳам монтаж жараёнидан ўтказилади. Кино, сурат ва овозли ҳужжатларни танлашда асл нусхалар билан (негатив, слайд, диапозитив, мумли валик, граммафон асли, магнит

лента ва ҳ.к) ёки монтаж қилинган суғурта, махсус фойдаланиш фондларига мурожат этилади.¹

Кино, сурат ва овозли ҳужжатларни нашр этиш учун танлаб олишда имкон қадар қимматли кино, сурат ва овозли ҳужжатларни танлаб олинимида ўзида аниқ маълумотларни ва хис-ҳаяжон тақдим этувчи, ёрқин ёритилган воқеаларни мужассамлаштирган манбалар эътибор қаратиш лозим. Шу билан бирга аудиовизуал ҳужжатларни қайси жанрга оидлиги ҳам инобатга олинмиши керак. Манбаларда образ қиёфаси, матн мазмунига, қийматига ва бадиий-эстетик аҳамиятига эътибор бериш, мақсадга кўра санъат (кинофото санъат) ва овозли публицистика самараси бўлган бу манбаларни жанрларга ажратган ҳолда, бир мунча ихтисослашган яъни оммавий коммуникация тармоқлари (фото, теле ва радио репортаж, интервью ва ҳ.к)да эълон қилишга тайёрлаш керак. Турли монтаж композицион таъмирлаш услубларидан фойдаланган ҳолда тасвирий овозли материалларни ҳам изоҳли ёки сухандон (диктор) матни яъни кўшимча тушинтирувчи изоҳлар билан тўлдирилиши мумкин. Ўқув мақсадлардаги нашрлар учун танланган ҳужжатлар мажмуи шундай бўлиши лозимки, аудиовизуал хабарлар, маълумотлар тўплами мавзунини имкон қадар тўлиқ ва кенг ёритилиш ҳамда мақсадни аниқ англатиши лозим. Қайта нашр этилган ҳужжатлар ўқув мақсадларидаги нашрларда аниқ мақсад ва масалани ёрқинроқ ёритиш учун муқаддам эълон қилинган манбаларни янги кўшимча ва ўзга бир жиҳатларига аҳамият бериш туфайли қайта нашр этилади. Кино, суратли ҳужжатларни тасвирлари ва овозли ҳужжатлар матнинини нашрга тайёрлаш киноҳужжатлар кадрларини алоҳида ёки кетма-кетликда (тўрт ва ундан кўп) сюжетнинг яъни воқеа ҳодисани ёритувчи турли қисмларидан олиниб, нашр этилиши мумкин, албатта бунда ҳаракат-жараён боғлиқлиги ҳамда манбанинг мазмуни тўлақонли ёритилишига аҳамият берган ҳолда, танлаб олинган кинокадрлар киноҳужжатларнинг асосий маълумотларини ва

¹ Магидов М.В. «Кионфотофонодокументы как исторический источник». – М., 1992. – 116 с.

қийматини очиб бериши лозим. Типографик усулда нашр этилаётган кино ҳужжатлар (киножурналлар)да танлаб олинган тасвир баёни ва манбанинг тўлиқ мазмуни очилишига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Фото ҳужжатлар таҳририят тасвир форматини ўзгартириши мумкин, лекин манбани шарҳлашда унинг асл моҳиятини яъни, суратдаги жараёнларни таҳлилини тўлиқ ёритилишига таъсир этмаслиги лозим. Мазкур манбалар нашр этилаётганда архив маълумотномалари ва муаллифлик асослар кўрсатилиши шарт. Агар кино, суратли ҳужжатлар гуруҳли ёки мажмуали тарзда эълон қилинса, мақсадга кўра ҳужжат фрагментлари кўрсатилиши лозим. Нашр мақсадига кўра эскириб қолган ёки айрим хатоликлари бор, яъни маълум тузатишлар киритиш лозим бўлиб қолган кино, суратли ҳужжатларга архивларда механик ва фотохимёвий (таъмирлаш) усулларида ишлов бериш мумкин. Агар нашр оммавий тарғибот-ташвиқот мақсадида бўлса, томонлар келишуви билан (фотоплакатлар, фотобуклетлар ва бошқалар...) ретуша элементларини асл ҳужжатларга зиён етказмаган ҳолда ишлатилиши мумкин.

Овозли ҳужжатлар матнини нашрга тайёрлаш мазкур манбанинг тури, кўриниши, шаклига боғлиқ тарзда амалга оширилади. Бу жараёнда ҳужжатлардаги овоз матнга туширилади. Маъно мақсад ўзгартирилмаган ҳолда таҳлилий нашр матни тайёрланади. Босма матн ҳолига келтирилган овозли ҳужжатлар матнида айрим ўзгаришлар бўлиши мумкин, лекин бу маънонинг бузилишига олиб келмаслиги лозим. Овозли ҳужжатларни нашр этишда муқаддам эълон қилинган ва нашр этилмаган манбалар тўла ўрганилиб чиқилиб, мавзу ва унинг асосий матни белгилаб олиниши аҳамиятлидир.

Овозли ҳужжатлар матнининг асоси (яъни матннинг асосий қисми) масаласи агар манба тўлиқ ҳолатда сақланмаган бўлса, ёзувда муаллиф кўшимчалари кузатилса, у ҳолда матн асосий қисми ажратиб олинади. Агар овозда фақат ҳужжат фрагментлари сақланган бўлса босма нашр пайтида

микрофон (нашр этувчи муаллиф) матни билан боғлаб кетилиши мумкин, албатта матн изоҳларида бу ҳолат изоҳланиши керак.¹ Нашрга тайёрлаш мобайнида овозли ҳужжатнинг муаллиф матни билан нашр матни ўртасида тафовутлар ёки фарқлар кузатилса, у ҳолда овозли ёзувдаги ҳолат инобатга олинади ва агар матн фонограммасига муаллиф томонидан тузатишлар, ўзгартиришлар киритилган бўлса бу тўғрисида изоҳларда бериб ўтилади². Овозли нашрларда (радио эшиттиришларда) имкон қадар тўлиқ фонограмма мазмунга зарарсиз қисқартмалар берилади. Типографик усулдаги матн нашрида асосий мақсад – бу унинг максимал аҳамиятини (акустик, фон, суҳбат, инотация) сақлаб қолинишида. Тузилиши бўйича мураккаб ҳисобланган овозли ҳужжатлар (транслация, радиорепортаж, радиокомпазиция ва ҳокозо) тўлиқ ҳолати сақланган ҳолда, яъни мавжуд жараён шовқин сурон ва мазкур вазиятни акс эттирувчи белгиларни инобатга олиб, тушинилиши қийин бўлган лавҳаларни, мавзудаги асосий мезонни берилиши талаб этилади. Шу туфайли эшитилмай қолган сўз, иборалар ва географик номлар, турли атамалар аниқланиб, матн изоҳларида берилади³.

Овозли ёзувни танлаб бўлгач, тарихчи таҳлилий ишлар олиб бориши суҳбатнинг ёки воқеанинг барча интонационал моҳияти, логик тўхталишлар, маълум тиниш ва имло белгиларини ҳамда матнни фраза абзацларга ажратиши керак. Суҳбат ёки воқеа жойидаги мухбир ва унинг суҳбатдоши сўзлари икки нуқта билан ажратилиб ёзилади. Жараёндаги бошқа ҳолатлар кавс ичида ёзилади⁴. Овозли ҳужжатларни нашрга тайёрлашда овозли ҳужжатлар фрагментлари қоидалари асосида танланади. Фрагментлар

¹ Литературная – музыкальная композиция. Фонохрестоматия (Иллюстрированный печатный альбом). – М., 1985. – С.85.

² Правила издания исторических документов в СССР. – М., 1990. – С. 66-72.

³ Козлов В.П. Теоретические основы археографии с позиции современности // Отечественные архивы 2001. – №1. – С. 10-13.

⁴ Кунтиков И. Н. Кинофотофонодокументы в научных исследованиях – Вопросы архивоведения. 1962. – №2.

умумийлашувига йўл қўймаслик керак, овозли ҳужжатлардаги фарқли бир хил жиҳатлар ёки шахсга оид фрагментлар мавзу доирасида умумийлашади¹.

Типографик бўлмаган нашрларда чет тилидаги фонограммалар синхрон таржима қилинади, бу ҳолатда овозли ҳужжат эшиттирилиб бўлгандан сўнг ёки эшиттирила бошланганидан бир неча сониялардан кейин таржимаси берилади. Матн босма ҳолатда нашр этилса, таржима матн изоҳи ҳолатида ҳам берилиши мумкин². Кино, сурат ва овозли ҳужжатларни расмийлаштириш кино, сурат ва овозли ҳужжатлар нашри, яратилиш шароити, моҳияти, факт ёки хабарларнинг аҳамияти каби муҳим масалаларнинг илмий тавсифи билан биргаликда бажарилади. Суратли ҳужжатларни расмийлаштиришда қуйидаги элементлар; ҳужжат номи, (қисқача аннотация) сана, жой, муаллиф, ҳужжатнинг асл ёки кўчирма эканлиги, ахборот ташувчилари, (плёнка, диск, негатив ва х к) ранглилик, асл ҳужжат ўлчамлари, тасвир масштаби, қайта тикланиши, қидирув маълумотлари, илк эълон қилинганлиги ҳақида маълумотлар кўрсатилади. Ноаниқ элементлар археограф томонидан квадрат қавс ичида аниқланган ҳолда, матн изоҳларида берилади. Нашр этилаётган кинокадр ёки бир режа бўйича жамланган киноҳужжатлар қуйидаги ахборот-маълумотнома элементлари билан эълон қилинади; киноҳужжат номи, (ўлчами, қисмлари, ранглилиги) кино тасвирни яратувчилар исми, тузувчи муассаса (учреждение-создатель), сана, ишлаб чиқарилиши (производства), съёмка жойи, муаллифлари, қидирув маълумотномалари, нашр тўғрисидаги маълумотлар³. Фотопортретларни нашр этишда уларни турли хилдагилари (индивидуал, гуруҳли, репортажли, пастановкали) умумий аҳамиятли мазмун касб этади ва қуйидаги элементларни берилишини талаб этади: тасвирдаги катнашувчилар ҳақида маълумотлар, исм, шариф, фамилия, ҳаёт йиллари,

¹ «Основные правила работы государственных архивов с кинофотофонодокументами». ГАУ при Сов Мин СССР – М., 1980. – 164 с.

² Правила издания исторических документов в СССР. – М., 1990. – С. 69-71.

³ Добрушкин Е.М. «Основы археографии» учебное пособие. – М., 1992. – №2. – 82 с.

ихтисослиги, унвони, суратга олинган жойи¹. Кино, сурат ва овозли ҳужжатларнинг хабарлар ҳарактерискаси нашр мавзуси аҳамиятига боғлиқ. Нашр мақсадида бир мунча кенгроқ масалалар кўзда тутилган бўлса, тасвирлардаги воқеаларга шарҳ беришда, аввало муаммони тарихий жараёнларини ёритиб сўнг аудиовизуал ҳужжатларда муҳрланган воқеа изоҳланади.² Кино, суратли ҳужжатларга ёндошув улардаги ахборот-маълумотнома эъэлементлари тартиби ва нашр этишнинг услубий шакли, кўриниши, ҳамда жанр ва турли аҳамиятларига боғлиқ бўлади.

Илмий нашрлар учун кино, суратли ҳужжатларнинг расмийлаштириш кино, суратли ҳужжатларнинг илмий нашрлари манбалар тўғрисида мукаммал ахборот берилишини талаб этади. Бу маълумотларда нашр тўғрисидаги манбаларнинг барча жиҳатларини, уларнинг яратилиш тарихи, мазмуни таҳлили, тасвирнинг моҳиятан ички аҳамияти ва бошқа томонларини ёритилиши лозим. Мазкур жиҳатлар илмий-маълумотнома аппаратида берилиши ҳам мумкин. Шу билан бирга съёмканинг асосий характери, сана, жой, тасвир масштаби ҳам берилади.³

Илмий оммабоп ва ўқув нашрларида кино, суратли ҳужжатларни археографик расмийлаштиришда ҳужжатлардаги аниқ маълумотларни шарҳлаш билан бирга манбаларга кириш матни (муқаддима) ҳам берилади. Мазкур ҳолатда матн икки қисмга кириш ва асосий қисмга ажратилади. Бир мунча мураккаб позициялар яъни нашр мажмуалари тарихий ва бадий кўшимчалар, эслатмалар, диктор (сухандон) матни ва бошқа эъэлементлар билан тўлдирилиши мумкин. Илмий оммабоп ва ўқув нашрларида эмоционал эъэлементлар ва жиҳатларига эътибор бериш муҳим саналади.⁴ Нашрларнинг барча турларида фотоҳужжатлар муаллифи томонидан берилган сарлавҳа

¹ Морозов С. Фотография среди искусств. – М., 1972. – С. 76.

² “Основные правила работы государственных архивов с кинофотофонодокументами». ГАУ при Сов Мин СССР – М., 1980. – 164 с.

³ Кинокамера пишет историю. В 2-х т. – М., 1979 (Хроника кинохроники). – С. 62-66

⁴ Правила издания исторических документов в СССР М., 1990. – С. 81-82.

сақланиб қолиниши, илмий шарҳда ёки илмий-маълумотнома аппаратида берилиши шарт¹.

Кино, суратли ҳужжатларнинг саналарини аниқланишида аксарият кино, сурат съёмкаларда барча турдаги нашрлар учун саналарни аниқлаштириш расмийлаштиришнинг муҳим атрибутларидан саналади.

Кино маҳсулотлар кино кўрсатув, кино дастур ва бошқаларда архив ҳужжатларидан фойдаланилган бўлса, титраларда бу тўғрисида; ҳужжат қидирув маълумотлари, (ҳужжат сақланувчи архив муассасаси), унинг аниқ номланиши, ва ҳужжатлардаги образ, шахслар тўғрисида маълумотлар берилади².

Овозли ҳужжатлар сарлавҳасига белгиланган тартибда қуйидаги элементлар киради; фоноҳужжат жанри, муаллифи, адресати (хат ва баёнотларда), қисқача анатоцион мазмуни, ёзув вақти, ҳужжат тузилган жой. Сарлавҳадаги маълумотлар асл ҳужжатлардаги ички атрибутлар ва мазмунига қараб, ҳамда фоноҳужжатлар матнли изоҳларига асосланган ҳолда олинади. Маълумотлардаги ноаниқликлар архив ҳужжатларидаги маълумотномалардан, адабиётлар, мемуарлардан ва муаллиф, воқеа қатнашчиларидан ёзиб олинган овозли ҳужжатлардан ойдинлаштирилади. Сарлавҳа материаллари ва уларнинг тартибланиши нашр тури, кўриниши, шаклига шу билан бирга фоноҳужжат жанрига боғлиқ бўлади. Овозли ҳужжат жанри замонавий жанрли классификациялаш (баёнот, суҳбат, репортаж, композиция, ҳужжатли радиограмма ва ҳ.к.лар) орқали аниқланади.

Овозли ҳужжатлар муаллифи ва адресати. Овозли ҳужжатлар жамоавий ижод маҳсули саналади. Жанр ва шаклига кўра журналистлар, редакторлар, овоз режиссёрлари, овоз операторлари, воқеа қатнашчилари ва иштирокчилари бевосита ишроки кузатилади. Агар ҳужжат тузувчилар фақат

¹ Правила издания исторических документов в СССР М., 1990. – С. 83-84.

² Ҳужжатлар архив атамалари изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2000. – 42 б.

техник ишларни бажарган бўлса, у ҳолда мулликлар сифатида ижрочи ва қатнашчилар ҳисобланади. Бадиий жанрга тегишли ҳужжатларда ёзиб олинган овоз соҳиби (актёр ва ижрочилар) қоидага кўра сарлавҳада кўрсатилади. Фоноҳужжатлар тузилишида муаллифлар катта гуруҳи қатнашган бўлса, барча муаллифлар изоҳларда кўрсатилади.¹ Фоноҳужжатлар атрибутларини аниқлашда овозлар идентификацияси методини қўллаш билан тарихшунослик таҳлили жараёнида амалга оширилади. Агар муаллиф ва қатнашчиларни аниқлашни имкони бўлмаса, бу ҳақида изоҳларда кўрсатилади. Овозли ҳужжатлар адресати фақат маълум хабар ёки маълумот йўналтирма аҳамият касб этгандагина кўрсатилади (хат, баёнот, билдирмалар). Сарлавҳада берилган қисқача мазмунда (аннотация) аниқ шахс ёки аудиториялар категориялари кўрсатилади. Тарихий фоноҳужжатлар саналари аниқланмаган бўлса, уларни биринчи бор эфирга берилган вақти (агар муқаддам эълон қилинган бўлса) ҳисобга олинади ёки ушбу воқеага алоқадор манбалардан сана аниқланади. Санани аниқлашни имкони бўлмаса, тарихшунослик методларини техник таҳлил (ички аҳамиятли томонлар яъни ахборот ташувчиларнинг элементларига эътибор берилиб, ишлаб чиқарувчи фирма этикетка, каталог рақами, матрич рақами ва ҳ.к.) орқали аниқланади ва тарихчи томонидан изоҳланади.² Фоноҳужжатлар сарлавҳаси типографик нашрларда умумий қоидалар асосида тузилади. Овозли ҳужжатлар оммавий коммуникация воситаларида эълон қилинса, икки хил усулда сарлавҳа тузилади. Сухандон (диктор) томонидан сарлавҳа матни элементлари айтиб ўтилади. Фоноҳужжатлар конвертларида этикетка тарзида ёзма сарлавҳа элементлари берилади. Замонавий рақамли ахборот ташувчиларда эса тарихчи томонидан махсус сарлавҳа матни овозли тарзда ёзиб қўйилади.

¹ Основные правила работы государственных архивов с кинофотофонодокументами. ГАУ при Сов Мин СССР – М., 1980. – 164 с.

² Добрушкин Е.М. Основы археографии. / Учебное пособие. – М., 1992. – С. 56.

Овозли ҳужжатлар легендалари. Нашр этилувчи овозли ҳужжатлар сўровли маълумотномалари, қаерга юборилаётгани, қидирув маълумотлари, (шифр) овозли ҳужжат тили (ёзув тили), ахборот ташувчилари (граммафон, магнит лента, компакт диск ва ҳ.к.), ёзув ижро вақти (дақиқа, сониягача), изоҳлар-легенда фоноҳужжат матнидан сўнг берилади.¹ Замонавий ахборот ташувчиларда археограф томонидан нашр матни олдидан сарлавҳа матнидан сўнг берилади. Бу турдаги ахборот ташувчиларда легенда элементларининг айримлари автоматик тарзда манбанинг ўзида мужассамлашади, овозли ҳужжатлар конвертларида легенда элементлари сарлавҳа элементлари билан биргаликда берилади.²

Кино, сурат ва овозли ҳужжатлар илмий нашрлари муқаддимасининг тарихий қисмида нашрга таълуқли мавзуни ёритувчи манбанинг кўриниши, тури, тарихийлик аҳамияти ёритилади. Ўзлон қилинаётган ҳужжатлар мажмуасининг тарихшунослик, маданиятшунослик қиймати аниқланиб, нашр мавзусига мослиги таҳлили ўтказилади. Муқаддиманинг махсус бўлимида кинофильм, фотография, овозли ёзувнинг тузилиш, яратилиш тарихи, унинг биринчи намоиши ёки нашри ҳақида маълумот, маданият равнақи ва оммавий коммуникациялар тизимидаги ўрни ёритилади. Кино, суратли тасвир ва овозли ёзувларнинг муаллифлари, воқеа қатнашчилари ҳақида биографик маълумотнома берилади. Кино, сурат (фотография) ва журналистика соҳасидаги ижодий ишлар муқаддима ёки кириш сўзларда одатда монографик аҳамият касб этади. Археографик қисмида мажмуанинг умумий аҳамияти ёки кино, сурат ва овозли ҳужжатларни аниқлаш, танлаб олиш, жиҳатлари, мажмуанинг жойланишида техник аспект хусусиятлари, алоҳида ҳужжатларнинг аниқланиши, ва реставрацияси, йўқотилган ҳужжатларнинг қидирув йўллари кўрсатилади. Ҳужжатларни нашр учун танлаб олишнинг асосий принциплари ёритилади.

¹ Правила издания исторических документов в СССР. – М., 1990. – С. 83.

² Ларин М.В., Рисков О.Н. Электронные документы в управление. / Научно-методический пособие. – М., 2005. – 88 с.

Кино, сурат ва овозли ҳужжатларнинг илмий-оммабоп ва ўқув дастурларида муқаддима бадий-публицистик аҳамият касб этиши, ҳамда архив ҳужжатларидан фойдаланилган ҳолда умумтарихий ва бошқа маълумотлар бериш, муқаддам эълон қилинган материаллар, ёдномалар, эслатмалар, бадий асарлар ҳақида маълумотлар бериши муқаддима ёки мавзу бўлимлари, бобларига кириш сўзи тарзида қўлланиши мумкин¹. Типографик бўлмаган нашрларда мавзунинг қисқача мазмуни ва рекомандацияси, нашрнинг мақсад, вазифаси, ҳамда ёритилишига боғлиқ масалалар, ҳужжатларнинг кўриниши, шакли, жанри (грампластинка, фильм ва ҳ.к.), воқеа иштирокчилари овозли тарзда диктор (сухандон) матнида ёритилади.

Кино, сурат ва овозли ҳужжатлар типографик нашрларига матн изоҳлари қўлланилади. Изоҳлар тузилиши нашр шакли ва кўринишига боғлиқ бўлади. Изоҳларда сана, съёмка ёки овоз ёзиш, муаллифлари, шахслар, объектлар (аудиовизуал ҳужжатларда тасвирланган), режа ва метраж ўлчамлари, фототасвир ўлчамлари, овоз вақти, асл ёки кўчирмалиги, нашр этилиши (муқаддам эълон қилинмаганлиги), киносъёмка тузилиши, (фото тасвир ва овозли ёзув) ва бошқа элементлар берилади. Изоҳлар араб рақамларида берилиб, нашр сўнгида тартиб бўйича шарҳланади. Илмий нашрларда фото ва фоно ҳужжатларга изоҳлар (хатоликлар тўғриланганлиги, техник тузатишлар, археограф белгилари, чет тиллардаги сўз ва жумлалар таржималари) юлдузча билан белгиланиб мазкур саҳифада чизиқли ажратмадан сўнг берилади.² Типографик бўлмаган нашрларда изоҳлар ўрнида диктор (сухандон) матнида алоҳида сюжет ва ҳужжатларнинг узвий боғлиқлиги шаклида шарҳланади. Кино, сурат ва овозли ҳужжатларнинг аҳамиятли томонларидан бири уларга хроника тузилишини талаб этилишидир. Қисқача ёритилган фактлар кино, фотография, радио ва теле

¹ Добрушкин Е.М. Основы археографии. / Учебное пособие. – М., 1992. – С.56.

² Правила издания исторических документов в СССР. – М., 1990. – С. 126-128.

журналистика тарихлари хроника тузилишини манбаидир.¹ Хроникани аҳамиятига кўра нашр бошида ёки сўнгида ва нашр бўлимлари бобларига алоҳида ажратилган тарзда қўлланилиши мумкин. Замонавий рақамли ахборот ташувчиларда автоматик тарзда хроникал ёки алифболи, ўлчамларига кўра кетма-кет тартибланган ҳолатда маълумотлар киритилади. Албатта тарихчи томонидан мазкур турдаги ахборот ташувчиларга кўчирилган ҳужжат маълумотлари ҳам илмий таҳлилдан ўтказилиб, материалларнинг маъно ва мазмун бўйича тизимлаштирилади.

Кино, сурат ва овозли ҳужжатлар кўрсатгичлари; номли кўрсатгичлар – кино, сурат ва овозли ҳужжатлар тузувчилари, муаллифлари, мақсадга кўра нашр этувчи тадқиқотчилар (исми - шарифи) библиографияси кўрсатилади. Географик ва предметли кўрсатгичлар - воқеа, ходисалар муҳрланган жой номлари, айрим ноаниқ атамалар предметлар номлари аниқланиб, кўрсатилади. Нашр этилаётган кино, сурат ва овозли ҳужжатлар тарихий, архитектуралар топономика кўрсатгичлари, шаҳар, кўчалар, жой номлари ва бошқа жиҳатларни типографик бўлмаган усулда диктор (сухандон матнида кўрсатилади).

Нашр этилувчи кино, сурат ва овозли ҳужжатларнинг рўйхатлари бўлимлар ёки нашр сўнгида берилади. Саналар бўйича илмий ахборот маълумотномалари, муаллифлар, шахслар, тасвирга муҳрланган ёки овозда ёзилган фактлар, кидирув маълумотномалари бўйича алоҳида ҳолатларда тарихчи расмийлаштириш жараёнида тузилади. Типографик бўлмаган нашрларда слайдлар тарзида нашр аввалида ёки сўнгида бўлимлар орасида берилади.

Иловалар. Ҳужжатли нашрларнинг ҳар қайси турида илова, яъни қўшимча маълумотлар тўлдирилиши мумкин. Иловаларда ҳужжатлар, тарихчи томонидан бошқа манбалардан келтирилган қўшимча маълумотлар, мавзу доирасидаги айрим статистик, хроникал фактлар ва бошқалар

¹ Кинокамера пишет историю. В 2-х т. – М., 1979. – С.65-68.

(регестлар, жадваллар муқаддам нашр этилган ҳужжатлар рўйхати, нашр мавзусига алоқадор материаллар, хариталар) киритилиши мумкин.

Иллюстрациялар. Ҳужжатли нашрларда иллюстрациялар қўшимча ёритувчи материаллар ҳам берилиши мумкин. Иллюстрация тарзида матн, графика (чизма, схема, графика), тасвирлар, кино, сурат ва овозли ҳужжатлар берилиши мумкин. Иллюстрациялар график материаллар асосида бўлса, археографик расмийлаштирилади, уларга сарлавҳа ва легенда тузилади. Агар иловаларда иллюстрация тарзда кино, суратли ҳужжатлар берилса, у ҳолда сурат ёки тасвир сарлавҳаси ва тўпламдаги рақами қўйилиб, умумий қоидалар бўйича расмийлаштирилади. Кино ва суратли ҳужжатлар тасвирлари (тўпламда) кўп миқдорда ишлатилган бўлса, иллюстрация рўйхати тузилиб, аудиовизуал ҳужжатлар мазмуни, адресати, имзолари берилиб, бошқа барча элементлар ўша саҳифани ўзида ажратма чизиқ остида кўрсатилади. Нашр этилаётган кино, сурат ва овозли ҳужжатлар иловаларга фильмография, дискография, манбалар муаллифлари рўйхатлари, фото кўргазма ва ижодий конкурслар тасвирлари кетма-кетлиги рўйхатлари, ҳамда муқаддам эълон қилинган аудиовизуал ҳужжатларнинг рўйхатлари берилади. Агар овозли ҳужжатларнинг типографик нашрларида илова берилса, сарлавҳа, легенда ёки диктор (сухандон) матни тўлиқ сақланган ҳолда берилиши лозим, чунки мазкур жараёнда ҳужжатлар илмий маълумотнома аппарати элементлари эшиштирилган матнида жойлашган бўлади.

Мазкур диссертациянинг биринчи боби “Аудиовизуал манбалар тарихшунослиги ва уларни нашрга тайёрлаш масалалари” юзасидан қуйидаги умумлаштирилган хулосаларни баён қилиш мумкин бўлди:

– Кино, сурат ва овозли ҳужжатларнинг эътиборли томонларидан бири шундаки, инсон суратни томоша қилаётган пайтда ҳужжатда акс этган вазият, давр сурурини ҳис этади, ўша давр ҳаётини кўз олдидан ўтказди, шу билан бир қаторда ўша сурат ёки фильмдан ўзига маънавий озукани ёзувни ўқишдан кўра тезроқ қабул қилади. Кино, сурат ва овозли тасмаларни

эшитиш ва кўриш орқали инсон психологиясига қанчалик таъсир этиш мумкинлиги ҳозирда фан учун сир эмас, булар тарғибот ташвиқот ва ўқув тарбия мақсадларида, тарихий ва бадиий фильм ва спектаклларни саҳналаштириш, музейлар, кўргазмалар ташкил этиш учун жалб этилади.

– Кино, сурат ва овозли ҳужжатларни нашр этиш учун танлаб олишда имкон қадар қимматли кино, сурат ва овозли ҳужжатларни танлаб олинимида ўзида аниқ маълумотларни ва хис–ҳаяжон тақдим этувчи, ёрқин ёритилган воқеаларни мужассамлаштирган манбалар эътибор қаратиш лозим. Шу билан бирга аудиовизуал ҳужжатларни қайси жанрга оидлиги ҳам инобатга олиними лозим.

– Илмий мақсадда эълон қилинувчи кино, сурат ва овозли ҳужжатларни нашр этишда умумий комплекс ҳужжат, воқеа, ходиса ёки жараён олиниб, унинг қисқача мазмунини кенг очиб бериш, кинофото тасвири ва овозли ёзувни аниқ техник аҳамиятини изоҳлаш, илмий маълумотнома аппаратида тарихнавислик, маданиятшунослик ва археографик таҳлил намоён бўлиши лозим. Мазкур ҳужжатларни эълон қилишга тайёрлашда уларни ҳам тарихий манба шу билан бирга бадиий асар эканлигига аҳамият берилиши керак.

II БОБ. КИНО, СУРАТ ВА ОВОЗЛИ ХУЖЖАТЛАР ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА

1. Аудиовизуал манба тушунчаси ва таснифи (классификацияси)

Кино, сурат, овозли хужжатлар ва видео-овозли ёзувлар Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди тизимида алоҳида ўрин эгаллайди. Улар хужжатларни намоён этиш жараёнига кўра фиксациянинг объектив борлиқда тасвирланиши (кинофотохужжатлар), товушли сўзлар (фоно хужжатлар), тасвирнинг товуш билан ёки ёзма ифодаланиши (комплекс хужжатлаштириш) каби турларга бўлинади.

Фотохужжатлар эса, тасвирий кўринишдаги хужжат бўлиб, у фотографик техника ёрдамида предметлар, иқтисодий, сиёсий жараёнлар, ижтимоий ҳаёт ва мавжуд борлиқни алоҳида тасвирларда ифодалайди¹.

Кинохужжатлар ҳам тасвирий, ҳам аудио (овозли) хужжат бўлиб, киномотография техникаси борлиқни предметлар, жараёнлар, тасвирларни кетма-кетликда ёритиб бериш билан бирга, худди ўша предметлар, жараёнлар, жараёнларни товуш, мусиқа ва шовқин кўринишлари билан ҳам бирга қимматли маълумот бера олади².

Фонохужжатлар товушли ахборотга эга, у орқали биз жараёний фоно ёзувлар (бунда съездлар, митинглар, йиғилишларнинг тугал ҳолатини товуш билан), фотоинтервью (бунда ижтимоий ҳаётнинг ривожланиши жараёнлари, у тугал ҳолатинигина эмас, балки воқеъликкача бўлган маълумотларни ҳам бера олади) уларни билиб олишимиз мумкин. Кино, сурат ва овозли хужжатлар тадқиқотчига ўрганилаётган давр ва жараёнлар ҳақида маълумот бера олувчи муҳим ва ишонарли манба бўлиб хизмат қила олади.

Шуни таъкидлаш жоизки, тарихий тадқиқотлар асосини ташкил этувчи турли хил манбаларнинг тарихий танқидини олиб бориш воқеаларни

¹ Основные правила работы государственного архива с кинофотофонодокументами. – М, 1980. – С. 6.

² Белов Г.А. и др. Теория и практика архивного дела в СССР. / Учеб пособие.- М.: Типограф им. Воровского, 1958. – С. 187-218.

акс эттириш, хужжатларни пайдо бўлиши ва уларни қалбакилаштириш каби имкониятлар ёрдамида манба муаллифининг хужжатларни ёритишда субъектив таъсир ўтказа олишидан келиб чиқади.

Тарихий манбаларни классификация қилишнинг аниқ бир принципи ҳозирга қадар ишлаб чиқилмаган. Баъзи манбашунос мутахассислар манбани мазмунига қараб тасниф қилиш лозим, деб ҳисоблайдилар. Бошқа гуруҳ олимлар эса манбанинг қаерда ва қачон яратилганлигига қараб классификация қилишни маъқул кўрадилар. Яна бир гуруҳ олимлар ҳам борки, улар манбани тури: расмий хужжатлар, тарихий ва гео-космографик, биографик асарлар ва аудиовизуал манбаларга бўлиб классификация қилишни тавсия этадилар. Шунингдек, тарихий манбаларни автограф (муаллифнинг ўз қўли билан ёзилган, суратга олинган ёки кўчирган нусха) ёки бошқа бир шахс томонидан кўчирилган нусха бўлишига қараб тасниф қилиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Тарихий манбалар устида ишлашнинг ҳозирги босқичида, булардан фақат биттасига – манбаларни турларига қараб классификация қилиш тамойилига таяниш тўғрироқ бўлар эди. Бошқа принциплар, ўз-ўзидан кўриниб турибди-ки, манбани чуқур ва атрофлича ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш талабига жавоб беролмайди. Чунки, биринчидан, фақат биргина масалани (ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданият ва ҳ.к.) ёритиб берувчи асар деярлик учрамайди. Иккинчидан, манбанинг ёзилган даври ва жойи, автограф ёки кўчирма нусха эканлиги масаласи манбани ўрганиш принципига кирмайди. У – тадқиқотчининг вазифаси доирасига киради, холос. Шундай қилиб, манбани унинг турига қараб классификация қилиш принципи ҳозирча мақсадга мувофиқдир.

Ушбу ўринда жамият ҳаётидаги кундалик воқеаларни акс эттирувчи хужжатли фотография, кино ва овозли манбаларнинг аксарият қисми XX асрдаги илмий техника тараққиёти натижасида шакллана бошлаган. Ушбу манбаларнинг тарихий манба сифатидаги аҳамияти уларнинг бўлиб ўтган

воқеалар билан бир вақтни ўзида вужудга келиши билан баҳоланади. Демак, воқеаларни тасвир орқали акс эттирувчи фото ва кино ҳужжатлар, шунингдек, уларнинг овозли жиҳатини ёритувчи фоно манбалар объектив ҳақиқатни намоён этади.

Бундан ташқари аудиовизуал манбаларда муаллиф (фотограф, кинорежиссёр, овоз оператори)нинг субъектив таъсири ёзма манбаларга нисбатан анча суст бўлади. Негаки, воқеалар қалам билан эмас, балки махсус аппаратура ёрдамида олинади. Лекин, ҳужжатдаги сюжет, вақт ва жой, ҳамда аниқ персонажлар ёки овоз аппаратурани бошқариб турувчи инсон томонидан танлаб олинади. Шунинг учун ушбу манбаларда воқеаларни акс эттиришда ҳам объектив, ҳам субъектив омиллар мавжуд бўлади.

Тарихий манбалар классификацияси масаласи манбашуносликда энг мураккаб назариялардан бир саналади. Маълумки, тарихий манбалар классификацияси тадқиқ этилаётган материалларни тартибга солиш, тизимлаштириш ва таҳлил этишда энг фойдали усулдир. Тарихий манбалар классификацияси ўзининг назарий ва амалий жиҳатлари ва аниқ вазифаларга эга. Таниқли манбашунос М.Варшавчик тадқиқотида улар қуйидагича аниқланган: а) классификация тамойилларини ишлаб чиқиш; б) турли хил манбаларнинг ички хусусиятларини аниқлаш; в) ушбу манбаларни умумий гуруҳларга ажратиш ва улардан фойдаланиш; г) турли хил гуруҳлар ўртасидаги алоқа ва ўзаро боғлиқликни аниқлаш¹. Бу эса ўз навбатида сезиларли даражада манбаларни ўрганиш ва илмий тадқиқотларда фойдаланиш ишларини енгиллаштиради.

Манбаларни ички хусусиятини аниқлашда ёрдам берувчи тур ва хилларга ажратиш ҳужжатларни манбавий таҳлили усулини ишлаб чиқишда муҳим саналади. Манбашуносликда ҳар бир тадқиқотнинг аниқ мақсадидан келиб чиққан ҳолда тарихий манбаларни классификацияси усуллари ва

¹ Варшавчик М.А. Историко-партийное источниковедение. Теория. Методология. Методика. — Киев: Вища школа, 1984. — 31с.

тамойиллари кенг тарқалган. Тарихий манбалар тизимида кинофотофоно хужжатлар классификацияси масаласи шу кунга қадар назарий манбашуносликда турли хил баҳс мунозараларга сабаб бўлмоқда. Тарихчи манбашунослар ичида бу манбалар классификациясига асос бўлувчи муҳим хусусият борасида умумий фикрлар ишлаб чиқилмаган. Тарихий манбалар турларини кўплиги ва уларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда классификациядаги ушбу қийинчиликлар объектив характерга эга деб хулоса қилиш мумкин.

Турли хил тарихий манбалар классификациясини тузишда энг қулай таможиллардан бири бу уларни ажратишда асос сифатида манбаларни реал тарихий воқеяликни акс эттириш усулини олиш мумкин. Гносеологик жиҳатдан тарихий воқеаларни акс эттириш манба учун энг муҳим саналади. Агар манбаларнинг умумий классификациясида кўрсатилган таможил асос сифатида танлаб олинса, кинофотофонохужжатларни кўрилатган объектларнинг умумий синфга киритиш мумкин. Аудиовизуал манбалар тарихий ўтмишни техника воситасида суратга олади ва намоиш этади. Бунда, юқорида қайд этилганидек, манба муаллифини таъсири суратга олиш жойи, вақти, ҳолати ва одамларни танлаб олишда намоён бўлади. Танлов амалга оширилгандан сўнг, техник воситалар воқеаларни қандай тасвирга туширилган бўлса, шундай акс эттиради ва эшиттиради.

Бошқа яна бир хусусияти тарихий воқеаларни тасвирли, таъсирчан қилиб намоиш этишида ҳам кўриниб туради. Маълумки, инсон аниқ бир воқеа ёки ҳодисани кўриш ёки эшитиш орқали ҳис этади ва уни яхшироқ тушуниб, эслаб қолади. Аудиовизуал манбаларни бошқа манбалардан ажратиб турувчи жиҳати ҳам тарихий шахсларни руҳий ҳолатини кўрсатиб беради. Бу эса тадқиқотчига ижтимоий психология усулларида фойдаланган ҳолда воқеаларни келиб чиқиш сабаб ва оқибатларини янада чуқурроқ тушунишга ёрдам беради.

Айтиб ўтилган хусусиятлар барча турдаги аудиовизуал манбалар: ҳужжатли кино, фото ва фонога таълуқлидир. Бу эса кинофотофоно ҳужжатларнинг тарихий манбаларнинг умумий тизимида эгаллаган ўрнини аниқлашда ёрдам беради.

Кинофотофоно ҳужжатларнинг тарихий воқеаларни акс эттириш усули бўйича икки гуруҳга ажратилади: 1) кинофотоҳужжатлар ва 2) фоно ҳужжатлар¹. Манбалар хусусиятларини акс эттиришда турли хил ёрдамчи классификацияларни тузиш амалий аҳамиятга эга.

Бунда аудиовизуал манбаларнинг техник тавсифини ҳисобга олиш уларни тўғри синфлаштириш ва таҳлил этишда зарур. Кўрсатилган манбаларни манбада акс жтган тарихий воқеани мазмунига кўра киноҳужжатларни: 1) даврий киножурналлар; 2) маълум воқеаларни акс эттирувчи ҳужжатлар; 3) мавзули хроникал фильмлар; 4) кундалик ҳаёт акс этган фильмларга ажратиш мумкин².

Фото ҳужжатлар эса: 1) тарихий воқеаларни акс эттирган суратлар; 2) таники шахслар портрети; 3) географик ҳудудлар, кўча ва шаҳарлар кўринишларини номойиш этган ҳужжатларга ажратиш мумкин.

Овозли (фоно) ҳужжатларни: 1) тарихий воқелардан ёзиб олинган манбалар; 2) фоноинтервью; 3) фономемуарларга ажратиш мумкин. Бундай классификациядаш тадқиқотчи учун тарихий воқеларни объектив баҳолаш ва уларни кетириб чиқарган сабат ва омилларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари уларнинг ёрдамида тасвирга олинган воқеа қай даражада тўлиқ аск этгани ва уни ёзма манбалардаги маълумотлардан фарқини аниқлашда ҳам ёрдам беради. Бир хил воқеаларни мазмун жихатдан ҳар хил бўлган фильмларда турли хил акс этиши ҳам кузатиш мумкин. Масалан, киножурналда аниқ фактларга қисқачи таъриф бериб ўтилса,

¹ Мандральская Н.В. Запечатленные образы войны (фото- и фоноисточники об Узбекистане в годы Великой Отечественной войны). – Ташкент: Узбекистан, 1987. – С. 23.

² Исакова М.С. Использование аудиовизуальных источников в исторических исследованиях. // УзМУ хабарлари. – Ташкент, 2006. – №4. – С. . 43-45.

хужжатли фильмларда воқеларни тассавур этиш осон бўлиши учун қўшимча тасвирлардан фойдаланиш билан бирга, бир канча фактларни бир йиғинда кўрсатиб беради. Абатта бундай ҳолларда кинохроникада акс этган воқеалар хужжатли фильмга нисбатан ҳақиқатга якинроқ бўлади. Бунда фарқланишлар янада кўпроқ хужжатли фотография ва овозли манбаларда номоён бўлади.

Аудиовизуал манбаларни барча йўналишдаги манбавий таҳлилларини ўтказишда, уларда акс этган воқеа ва ходисаларни аниқ вақти ва жойи, баъзи ҳолларда эса муаллифини аниқлашда фақатгина мазмунига қараб кинофотофоно хужжатларни классификациясини яратиш камлик қилади.

Ушбу масала билан кизиқиб шуғулланувчи тадқиқотчи учун ушбу турдаги манбаларда тарихий воқеаларни суратга олиш ва акс эттириш техникаси бўйича классификация ишлаб чиқиш муҳим саналади. Хусусан, хроникал хужжатли фильмларда тасвирларни ёзишни турли усуллари мавжуд. Хусусан, тасвирга тушурилган факт ёки воқеани акс эттирувчи фотографик усулда дастлаб негатив сўнг позитив тасвир олинади. Телевидениенинг ривожланиши натижасида кенг тарқалган манитли усулда асос сифатида магнит лентадан фойдаланилади. Ушбу усуллар ёрдамида рангли ва оқ қора тасвирда, овозли ва овозсиз кинолар тасвирга олинади.

Хужжатли фотография техникаси ҳам одатда бўлиб ўтган ходисаларни дастлаб негатив, кейин позитив асосларга олинади. Позитив эса ўз навбатида оқ қора ёки рангли суратларни олиш имконини яратади¹.

Фоно хужжатларда овозли ёзувларнинг қуйдаги турлари ажралиб туради: механик возли тасма (граммафонларда); оптик (киноларда); магнит тасмаларда учраши мумкин. Аудиовизуал манбаларни ушбу жиҳатларини инобатга олган ҳолда таҳлил этиш, воқеа жойи ва вақтини аниқлаш, хужжат аслилигини белгилаш ва субъектив омилларни ажратиб олиш имкониятини яратади.

¹Исакова М.С. Из истории формирования архивного фонда кинофото-фонодокументов в Узбекистане. // Ўзбекистон тарихидан илмий мақолалар тўплами. / Тарихий тадқиқотлар туркумидан. – 1–сон. – Т.: Тафаккур, 2009. №1. – Б. 91-97.

Манбаларнинг бундай таснифида тасвир ёик овозни ёзиб олиш усули, воқеа акс эттирилган манбанинг асоси, фильмларни овозли ёки овозсиз бўлиши, тасвирларни рангли ёик оқ қора бўилишини инобатга олиш манбавий таҳлилда муҳим аҳамият касб этади.

Негатив ва позитивни таккослаш ёрдамида фот, кино ёки овозли ҳужжатни оригиналлигини аниқлаш ва унда тасвирланган воқеани сохталаштириш холларни аниқлашда ёрдам беради.

Умуман олганда, аудиовизуал манбаларни турли хил таснифини ишлаб чиқиш тадқиқотчига олиб бораётган илмий изланишларида тарихий манбаларни қиёслаш орқали илмий истъемолга киритиш ва бўлиб ўтган жараёнларга тўғри баҳо бериш билан бирга тарихий объективликка асосланган ҳолда илмий хулосалар ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

Жамият ҳаётидаги кундалик воқеаларни акс эттирувчи ҳужжатли фотография, кино ва овозли манбаларнинг аксарият қисми XX асрдаги илмий техника тараққиёти натижасида шакллана бошлаган. Ушбу манбаларнинг тарихий манба сифатидаги аҳамияти уларнинг бўлиб ўтган воқеалар билан бир вақтни ўзида вужудга келиши билан баҳоланади. Демак, воқеаларни тасвир орқали акс эттирувчи фото ва кино ҳужжатлар, шунингдек, уларнинг овозли жиҳатини ёритувчи фоно манбалар объектив ҳақиқатни намоён этади.

Бундан ташқари аудиовизуал манбаларда муаллиф (фотограф, кинорежиссер, овозоператори)нинг субъектив таъсири ёзма манбаларга нисбатан анча суст бўлади. Негаки, воқеалар қалам билан эмас, балки махсус аппаратура ёрдамида олинади. Лекин, ҳужжатдаги сюжет, вақт ва жой, ҳамда аниқ персонажлар ёки овоз аппаратурани бошқариб турувчи инсон томонидан танлаб олинади. Шунинг учун ушбу манбаларда воқеаларни акс эттиришда ҳам объектив, ҳам субъектив омиллар мавжуд бўлади.

Тарихий манбалар классификацияси масаласи манбашуносликда энг мураккаб назариялардан бир саналади. Маълумки, тарихий манбалар классификацияси тадқиқ этилаётган материалларни тартибга солиш,

тизимлаштириш ва таҳлил этишда энг фойдали усулдир. Тарихий манбалар классификацияси ўзининг назарий ва амалий жиҳатлари ва аниқ вазифаларга эга. Таниқли манбашунос М.Варшавчик тадқиқотида улар қуйдагича аниқланган: а) классификация тамойилларини ишлаб чиқиш; б) турли хил манбаларнинг ички хусусиятларини аниқлаш; в) ушбу манбаларни умумий гуруҳларга ажратиш ва улардан фойдаланиш; г) турли хил гуруҳлар ўртасидаги алоқа ва ўзаро боғлиқликни аниқлаш¹. Бу эса ўз навбатида сезиларли даражада манбаларни ўрганиш ва илмий тадқиқотларда фойдаланиш ишларини енгиллаштиради.

Манбаларни ички хусусиятини аниқлашда ёрдам берувчи тур ва хилларга ажратиш ҳужжатларни манбавий таҳлили усулини ишлаб чиқишда муҳим саналади. Манбашуносликда ҳар бир тадқиқотнинг аниқ мақсадидан келиб чиққан ҳолда тарихий манбаларни классификацияси усуллари ва тамойиллари кенг тарқалган. Тарихий манбалар тизимида кинофотофоно ҳужжатлар классификацияси масаласи шу кунга қадар назарий манбашуносликда турли хил баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Тарихчи манбашунослар ичида бу манбалар классификациясига асос бўлувчи муҳим хусусият борасида умумий фикрлар ишлаб чиқилмаган. Тарихий манбалар турларини кўплиги ва уларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда классификациядаги ушбу қийинчиликлар объектив характерга эга деб хулоса қилиш мумкин.

Турли хил тарихий манбалар классификациясини тузишда энг қулай тамойиллардан бири, бу уларни ажратишда асос сифатида манбаларни реал тарихий воқеъликни акс эттириш усулини олиш мумкин. Гносеологик жиҳатдан тарихий воқеаларни акс эттириш манба учун энг муҳим саналади. Агар манбаларнинг умумий классификациясида кўрсатилган тамойил асос сифатида танлаб олинса, кинофотофоноҳужжатларни кўрилатган

¹ Варшавчик М.А. Историко-партийное источниковедение. Теория. Методология. Методика. — Киев: Вища школа, 1984. — 31с.

объектларнинг умумий синфга киритиш мумкин. Аудиовизуал манбалар тарихий ўтмишни техника воситасида суратга олади ва намоиш этади. Бунда, юқорида қайд этилганидек, манба муаллифини таъсири суратга олиш жойи, вақти, ҳолати ва одамларни танлаб олишда намоён бўлади. Танлов амалга оширилгандан сўнг, техник воситалар воқеаларни қандай тасвирга туширилган бўлса, шундай акс эттиради ва эшиттиради.

Бошқа яна бир хусусияти тарихий воқеаларни тасвири, таъсирчан қилиб намоиш этишида ҳам кўриниб туради. Маълумки, инсон аниқ бир воқеа ёки ҳодисани кўриш ёки эшитиш орқали ҳис этади ва уни яхшироқ тушуниб, эслаб қолади. Аудиовизуал манбаларни бошқа манбалардан ажратиб турувчи жиҳати ҳам тарихий шахсларни руҳий ҳолатини кўрсатиб беради. Бу эса тадқиқотчига ижтимоий психология усулларида фойдаланган ҳолда воқеаларни келиб чиқиш сабаб ва оқибатларини янада чуқурроқ тушунишга ёрдам беради.

Айтиб ўтилган хусусиятлар барча турдаги аудиовизуал манбалар: ҳужжатли кино, фото ва фонога тааллуқлидир. Бу эса кинофотофоно ҳужжатларнинг тарихий манбаларнинг умумий тизимида эгаллаган ўрнини аниқлашда ёрдам беради.

Кинофотофоноҳужжатларнинг тарихий воқеаларни акс эттириш усули бўйича икки гуруҳга ажратилади: 1) кинофотоҳужжатлар ва 2) фоно ҳужжатлар¹. Манбалар хусусиятларини акс эттиришда турли хил ёрдамчи классификацияларни тузиш амалий аҳамиятга эга.

Бунда аудиовизуал манбаларнинг техник тавсифини ҳисобга олиш уларни тўғри синфлаштириш ва таҳлил этишда зарур. Кўрсатилган манбаларни манбада акс этган тарихий воқеани мазмунига кўра киноҳужжатларни: 1) даврий киножурналлар; 2) маълум воқеаларни акс

¹ Мандральская Н.В. Запечатленные образы войны (фото- и фоноисточники об Узбекистане в годы Великой Отечественной войны). – Ташкент: Узбекистан, 1987. – С. 23.

этирувчи ҳужжатлар; 3) мавзули хроникал фильмлар; 4) кундалик ҳаёт акс этган фильмларга ажратиш мумкин.

Фото ҳужжатлар эса: 1) тарихий воқеаларни акс эттирган суратлар; 2) таниқли шахслар портрети; 3) географик ҳудудлар, кўча ва шаҳарлар кўринишларини намоиш этган ҳужжатларга ажратиш мумкин.

Овозли (фоно) ҳужжатларни: 1) тарихий воқелардан ёзиб олинган манбалар; 2) фоноинтервью; 3) фонотекуларларга ажратиш мумкин. Бундай классификациялаш тадқиқотчи учун тарихий воқеларни объектив баҳолаш ва уларни кетириб чиқарган сабаб ва омилларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, уларнинг ёрдамида тасвирга олинган воқеа қай даражада тўлиқ аск этгани ва уни ёзма манбалардаги маълумотлардан фарқини аниқлашда ҳам ёрдам беради.

2. Манбаларнинг аналитик ва синтетик таҳлили

Маълумки, тарихий манба хусусияти икки ёқлама: биринчи томондан, манбанинг инсон тафаккуридан қатъий назар аниқ мавжудлиги, иккинчи томондан, манбага субъектив қаралиб, унга мавжудликнинг бир қисми сифатида баҳо беришдир. Муаллиф янги, фикри тарихий қонуниятлар асосида, ижтимоий муносабатлар ва синфий тафовутлар билан ҳисоблашган ҳолда тарихий манба яратади. Манбалардаги юксак, ўзгача томонларидан яна бири тарихий воқеаликни ишонарли очиб бера олиш ва замон билан ҳамнафас фактлар асосида етказиш муаллифни юксак иқтидоридан далолат беради.

Тарихий манбаларни танлаб олишда ишончли далилларга эга ва танқидий қарашлардан ўта олган материал танлаб олинади. Бунинг учун тарихчи-манбашунослар ўрганилаётган манбани ҳар тамонлама ўрганиш, у билан боғлиқ бўлган бошқа манбаларни аниқлаш, уларнинг комплекс

системасини тузиш ва ниҳоят ўрганилаётган предметни фактларга таяниб амалга ошириш. Бу иш бир неча босқичда олиб борилиб, унга кўра турли, яқин турдаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, ўрганилаётган манба янада объектив, тўла ва аниқ ёритилишига сабаб бўлади. Бу жараёнда кинофотофоноҳужжатлар тарихий манбалар орасида тўлақонли, ишончли ўринга эга бўлади.

Бир сўз билан айтганда, аудиовизуал манбалар алоҳида тарихий манба бўлиб, улар жамият ҳаётининг барча жабҳаларини акс эттиради.

Илмий тадқиқотларда тарихий манбалардан унумли фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини ривожлантириш ҳақида қарор қабул қилиб, унга кўра юртимизда яшаб келаётган халқларни ҳозирги кунга қадар бўлган иқтисодий, сиёсий, маънавий, ижтимоий ҳаётини очиқ бериш, турли тарихий жараёнлар ва давлат сиёсий тузумларига ҳолисона ва аниқ манбаларга асосланиб ёритишни кўзда тутади¹.

Тарихий тадқиқотлар асосини ташқил этувчи турли хил манбаларнинг тарихий танқидини олиб бориш воқеаларни акс эттириш, ҳужжатларни пайдо бўлиши ва уларни қалбакилаштириш каби имкониятлар ёрдамида манба муалифининг ҳужжатларни ёритишда субъектив таъсир ўтказа олишидан келиб чиқади.

Назарий манбашуносликда тарихий ҳужжатларни икки хил— аналитик ва синтетик танқиди мавжуд.² Аналитик танқид жараёнида тадқиқотчи ўрганилаётган манбанинг объектив илмий қимматини аниқлашга ҳаракат қилади. Бироқ ҳужжат яратилаётганда ҳар бир муаллиф реал борлиқни акс эттириш билан бирга ўзининг бўлиб ўтган воқеаларга нисбатан субъектив фикр ва қарашларини ҳам киритади. Тарихчи олдида турган энг муҳим

¹ Халқ сўзи, 28 июнь, 1998.

² Атама таниқли манбашунос М.А. Варшавчик томонидан фанга киритилган. Қаранг. Варшавчик М.А. Источники истории КПСС. — М., 1973. — С. 10

вазифа таҳлил этилаётган ўтмишнинг объектив томонларини муаллифнинг субъектив талқинидан ажратиб олишдан иборат. Бунинг учун тадқиқ этилаётган фактни манбада акс этишини бошқа турдаги манбаларда ёритилиши билан таққослаш зарур.

Синтетик танқид босқичида тарихчи таҳлил этилаётган воқеа бўйича турли хил манбаларни ўрганиб. Илмий фактлар мажмуасини шакллантиради, манбалар ўртасидаги боғлиқликни кузатади ва уларнинг комплексини яратади. Шу йўл орқали тадқиқот олиб борилаётган мавзу бўйича кенг доирадаги асосли билимларга эга бўлади.

Юқорида келтириб ўтилган фикрлар барча турдаги манбалар таҳлилига таълуқлидир. Бироқ аудиовизуал манбалар хусусиятлари мазкур гуруҳ ҳужжатларининг таҳлилида бир қатор фақат уларгагина хос томонларини ажратиб олиш имкониятини беради. Жумладан, фото ҳужжатлар бўлиб ўтган воқеларнинг маълум бир қисмини алоҳида тасвирлар ёрдамида кўриш имкониятини яратади.¹

Манбаларнинг таҳлил этиш усуллари хусусиятларини аниқлашда турли хил махсус туркумларни (классификация) тузиш ёрдам беради. Фото ҳужжатларни тарихий воқеаларни олиш ва акс эттириш техникаси бўйича негатив ва позитивларга (оқ-қора, рангли суратлар) ажратиб ўрганиш мумкин. Уларни бир-бири билан солиштириш орқали суратни асл ёки кўчирма нусха эканлигини ва фотомонтаж ёрдамида киритилган ўзгаришларни аниқлаш мумкин.

Шакли ва мазмунига кўра алоҳида мавзули фото ҳужжатлар ва фотоочеркларга; хроникал, портрет ва пейзажли ҳужжатларга ажратиш мумкин.² Портретли суратларда тасвирланган шахснинг кимлиги ва у тарихий-илмий нуқтаи назардан қандай аҳамият касб этиши муҳим саналади. Хроникал ҳужжатлар қиймати тарихий билимларни шакллантиришда суратга

¹ Кузин А.А. Кино-фото-фоноархивы. – Москва, 1960. – С. 9

² Мандральская Н.В. Запечатленные образы войны (фото- и фоноисточники об Узбекистане в годы Великой Отечественной войны). – Т.: Узбекистан, 1987. – С. 32.

олинган воқеалар аҳамияти билан белгиланади. Бу турдаги туркумлар тадқиқотчи учун ҳужжатда акс этган воқеаларни тўлиқлиги ва тўғрилигини аниқлашда ёрдам беради.

Шунингдек манбаларни ички белгиларига қараб ҳам таҳлил этиш мумкин.¹ Фото ҳужжатларнинг манбавий таҳлили энг аввало уларда берилган воқеанинг қисқача изоҳидан (аннотацияси) кўрсатилган вақт, жой, мазмун каби маълумотларни тўғрилигини аниқлашни тақозо этади. Мазкур ишда суратдаги «фотоскрипт»ларни ўқиш ёрдам беради. Фотоскрипт – сурат кадрлари таркибида бизгача етиб келган ёзма манбалар.

Шунингдек воқеа жойи ва вақтини аниқлашда суратда акс этирилган архетектура ёдгорликлари, шаҳар тузилиши, кўчалардаги транспортларни кўриниши, одамлар кийимлари, фасл каби элементлар катта ёрдам беради. Чунки ҳар бир тарихий давр ўзига хос ташқи хусусиятларга эга бўлиб, бу тадқиқотчига ҳужжатнинг таҳминий вақти тўғрисида мустақил фикр юритишига ёрдам беради. Фотоҳужжатларни талқин этишда унда қўшимча равишда акс этган объект тарихи тўғрисида маълумотларни билиш ҳам қўл келади.

Шу билан бирга суратга туширилган воқеани кўрган шахслар ва унда акс этирилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар ҳам воқеаларни ёритишда қўшимча маълумотлар беради.

Манбашуносликда суратлар муаллифини аниқлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, тарихий манбаларнинг табиати иккиламчи бўлиб, бир томондан у инсон онгига боғлиқ бўлмаган равишда манбада реал борлиқни акс этилишида намоён бўлади. Иккинчи томондан, у манба муаллифининг ушбу воқелиқни субъектив тасаввурини акс эттиради. Бунда тарихий воқеаларни ёритилиши ҳужжат муаллифи онги, унинг мафқураси,

¹ Баталин В.М. и Малышева Г.Е. Проблемы внешней критики фото документов в процессе их источниковедческого анализа. // Отечественные архивы. Москва, 1994. – №2. – С. 15-17.

аниқ тарихий шароит, жамоа муносабатлари даражаси ва унинг синфий қарашлари билан белгиланади.

Юқорида санаб ўтилган фотоҳужжатларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шуни айтиш мумкинки, у ёки бу суратларни ҳаққонийлигини аниқлашда ва акс этган воқеаларни қиёслашда ҳар бир тарихий факт баён этилган ёки тасвирланган бошқа турдаги манбаларни тарихий жараёнларни кўрсатиб берувчи алоҳида шаклдаги манба сифатида чуқур таҳлил этишни тақозо этади.

Тарихий тадқиқотларда аудиовизуал манбалардан фойдаланишда архив йўналтирувчи карточкалари катта фойда беради. Архив сақлаш қонун-қоидаларига кўра суратли ҳужжатлар қуйидагича белгиланади: суратнинг сақланиш рақам бирлиги, вақти, содир бўлган жой, фотоҳужжат муаллифи. Туркистон ўлкасида халқ таълими ривож масалаларини ёритишда позитив суратлар билан бирга мавзуй фотоальбомлар ҳам қўшимча манба бўлиб хизмат қилди. Мисол учун, “Туркистон ўлкаси” (1898-1990 йиллар) суратлар жамланмаси мустамлака даврда ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақида маълумот беради.

Альбомнинг архивда сақланиш рақами – 60; фотосуратлар тартиби ва кайд рақами биринчи, 1898 йил, жой номи – Санкт-Петербург, суратли ҳужжат муаллифи – Ю.Никонович.

Одатда кино ҳужжатлар карточкаларидан қуйидаги маълумотларни билиб оламиз: 1) тегишли маълумотлар; 2) фильм номи; 3) чиқарилган сана 4) фильм муаллифи; 5) кино ҳужжат ҳажми ва қисмлар сони; 6) техник хусусияти, фильм мазмуни. Масалан, фильм режиссёри М.Қаюмов, номи “Таъзим сизга устоз”, 1974 йилда Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлари студиясида суратга олинган, икки қисмдан иборат, оқ-қора тасвирда, СССР Фанлар Академиясининг 250 йиллигига бағишланади¹.

¹ ЦГА КФФДРУз киноотдел, № 1791.

Кино, сурат ва овозли ҳужжатлар архивидаги овозли ҳужжатлар мавзуйй карточкалар билан белгиланиб, овозли ёзувлар ахборот рақам бирлигида белгиланади – магнитли, ширинофон ва бошқалар; янграш давомийлиги, ёзиб олинган сана, жой ва воқеа мазмуни, ижро этувчи муаллиф. Мисол учун магнит овоз ёзуви, сақланиш рақами – 6084, ёзув давомийлиги – 1’25”, 7декабрь, 1982 йил Тошкентда ёзиб олинган, таниқли олим В.М.Массоннинг Ўзбекистондаги археологик экспедицияси ва Тошкент шаҳрида олиб борилган қазилма ишлар ҳақида маълумот берган нутқи.

Фотоҳужжатлар билан ишлаш жараёнида суратларнинг архив инвентар китобидаги карточкада берилган маълумотларга аннотация, агар ўша ҳужжат ўз вақтида чоп этилган бўлса, чоп этиш вақтидаги аннотация билан таққосланади.

Киноҳужжатларни таҳлил қилишда ҳар бир фильм, махсус кўрсатув, киножурнал ва шу кабиларни мазмунан ўрганиш керак бўлади. Қоида бўйича иш йўриқномасида унинг техник ҳолати, фойдаланиш имкониятлари, рухсат берувчи гувоҳнома, режиссёр монтаж варағи (киносюжетларда), сухандон матни, шунингдек, фильмнинг архивдаги фойдаланишга яроқлиги ва техник ҳолати ҳақидаги ҳужжатлар бўлиши лозим.

Фоноҳужжатларни саралаш ва аниқлашда уни таққослаш ишлари яхши натижа беради. Бунда фономанба ва унинг чоп этилганда (шунақаси мавжуд бўлса)ги ёзма изоҳлари воқеаларни кенгроқ англашга ва овозли ҳужжатлар имкониятлари ва фойдаланиш хусусиятларини кенгайтиради.

Кинофотофоноҳужжатларни ўрганиш илмийлик жихатидан барча учун тушунарли ва оддий; объективлик ва тарихийлик тамойиллари асосида ўрганилади. Тарихийлик тамойили аудиовизуал манбаларни ички ва ташқи жихатдан вужудга келиш босқичларини очиб беришдир. Объективлик эса ўрганиш жараёнидаги муаммоларни аниқлаш, уларга баҳо бериш, натижага эришиш йўлида тўғри фикрлашга йўналтиришдир.

Маълумки тарихий манба хусусияти икки ёқлама: биринчидан, манбанинг инсон тафаккурига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлиги, бошқа томондан, манбага субъектив қаралиб, унга мавжудликнинг бир қисми сифатида баҳо бериш, муаллиф онги, фикри, тарихий қонуниятлари асосида ижтимоий муносабатлар ва синфий тафовутлар билан ҳисоблашган ҳолда тарихий манба яратади. Манбаларнинг юксак ўзгача томонларидан яна бири тарихий воқеъликни ишонарли очиб бера олиш ва тарихий фактлар асосида маълумотларни етказиб бериш, муаллифнинг юксак маҳоратга эга эканлигидан далолат беради.

Бошқа манбаларда булгани каби аудиовизуал манбаларни танлаб олишда фронтал ва таққослаш услубларидан фойдаланамиз. Мисол учун норматив фото ва фоно ҳужжатларни олайлик. Советларнинг норматив ҳужжатларни қабул қилиши, ёки давлат арбобларининг илмий, таълим ва маданий соҳалардаги нутқларини фронтал услубда ўрганамиз. Кино ва овозли ҳужжатларнинг кўпчилик қисмини Ўзбекистон маданий ҳаётини ёритувчи бир хил мазмундаги фотосуратлар, ҳужжатли фильмлар, фоно ёзувлар ташкил этиб, улар асосан бир хил ахборотларни беради. Шундайларнинг ичидан тегишлисини танлаб олишда таққослаш услубидан фойдаланамиз¹.

Кино, сурат ва овозли ҳужжатларнинг илмий – тарихий меросини тиклашда биз қуйидагиларни эътиборга оламиз: сурат ёки киноҳужжат ким томонидан, қачон ва қай мақсадда олинган. Портрет усулда олинган суратда ким тасвирланганини аниқлаб олиш муҳим. Зеро, илмий жиҳатдан ёндашилганида у тарихий шахс ҳам бўлиши мумкин. Киноҳужжатга баҳо берилганда унинг аҳамияти рўй бераётган воқеъликнинг қай даражада муҳимлигига боғлиқ. Фоно манбаларни танлаб олишда тарихий воқеалар – съезд, митинг, йиғилишлар ва ҳоказо, муаллифнинг фоноинтервьюда

¹ Мандральская Н.В. Аудиовизуальные источники историко-партийной науки и их использование в изучении деятельности партии (на материалах Узбекистана периода Великой Отечественной войны 1941-1945гг.). Дисс...канд.истор.наук. – Т, 1981. – С. 88.

ёритилаётган ҳодисага холисона, танқидий фикри мазкур воқеага қанчалик яқинлиги ҳисобга олинади. Фономенуарларда муаллифнинг жараёнда бевосита иштироки ёки унга гувоҳ бўлганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Умуман олганда кино, сурат ва овозли ҳужжатларни танлаб олиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- А) мавзули саралаш;
- Б) воқеадаги жараёнлар ва уларни ёритиш;
- В) такрорий маълумот берувчи манбаларни четлаб ўтиш;
- Г) иложи борича тўлароқ, аниқ, яққол тасаввур берадиган ҳужжатларни танлаб олиш¹.

Тарихий манбаларни танлашда ишончли далилларга эга ва танқидий муносабатлардан ўта олган материал танлаб олинади. Бунинг учун манбашунос – тарихчилар ўрганилаётган манбани ҳар томонлама ўрганиш, у билан боғлиқ бўлган бошқа манбаларни аниқлаш, уларнинг комплекс системасини тузиш ва ўрганилаётган предметни фактларга асосланиб амалга оширишлари даркор. Бу иш танқидий этапларда олиб борилиб, унга яқин турдаги ҳужжатлар таҳлил қилинади ва улар ўрганилаётган манбани объектив жиҳатдан тўла ва аниқ ёритилишига хизмат қилади. Бу жараёнда кино, сурат ва овозли ҳужжатлар тарихий манбалар орасида тўлақонли, ишончли ўринга эга бўлади.

Мазкур боб юзасидан хулоса қилиб шуни айтиш мумкин :

– Аудиовизуал манбанинг аналитик таҳлили деганда унинг техник характеристикаси – моддий асоси, воқеа вақти, жойи, муаллифи, тасвирга олиш сабаблари, ўша вақтдаги ижтимоий-сиёсий муҳит таҳлили тушунилади. Бу маълумотларни аниқламай туриб, манбада баён этилган воқеалар ҳақида, тўғри ва мукамал тасаввурга эга бўлиш, унинг хусусида бирон бир қатъий фикр билдириш мумкин эмас.

¹ Евгаров Е. М. Кинофотофонодокументы как исторический источник. Учебное пособие. – М.: Издательство МГИАИ, 1973. – С 13.

– Кино, фото ва фоно ҳужжатларнинг синтетик таҳлилида унинг ички белгиларига қараб таҳлил этиш деганда манбани мазмунига қараб таҳлил қилиш, тушунтириш, ғоявий савияси ва илмий қийматини аниқлаш масалалари тушинилади.

– Ҳар қандай манбанинг илмий қиммати унда баён этилган воқеаларнинг объективлиги, келтирилган фактларнинг тўғрилиги ниҳоят олдинга сурилган фикр ва ғоялар билан аникланади. Шунинг билан бир қаторда бунда аудиовизуал манбанинг оригинал (асл нусха) ёки репродукцияси (асл аудиовизуал манбанинг кўчирма нусхаси) бўлиши, тўла ёки тўлиқсизлиги, воқеаларнинг қай тарзда баён этилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади, чунки одатда илмий тадқиқотда асл манбаларга таяниб иш олиб борилиши билан унинг илмий қиммати аникланади.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА АУДИОВИЗУАЛ МАНБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ УСУЛ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

1. Кино, сурат ва овозли ҳужжатлардан фойдаланиш турлари

Кино, сурат, овозли ҳужжатлардан хизмат, ишлаб чиқариш, илмий, маданий, маърифий, ва ўқув – тарбия мақсадларида фойдаланилади¹.

Кино, сурат, овозли ҳужжатлардан фойдаланишнинг асосий шакллари қуйидагилардир: 1) ҳужжатларнинг таркиби ва мазмуни ҳақида ташаббусли ахборот тайёрлаш, 2) мавзули сўровномаларни бажариш, 3) ҳужжатлар кўргазмасини ташкил этиш, 4) мавзули суратлар тўплами ва сурат альбомларини тайёрлаш, 5) кино, сурат, овозли ҳужжатларни эълон қилиш, 6) теле ва радиоэшиттиришлар тайёрлаш, 7) тадқиқотчиларга ўқув ёки кинозалда, эшитиш хонасида ишлаш учун ҳужжатларни вақтинча фойдаланишга бериш².

Давлат архивидаги кино, сурат, овозли ҳужжатларнинг таркиби ва мазмуни ҳақида ташаббусли ахборот тайёрлаш тегишли жойга қуйидаги маълумотларни жўнатиш йўли билан амалга оширилади: ахборот хатлари, мавзули рўйхатлар, мавзули маълумотномалар, шунингдек архив маълумотномалари (йўлкўрсатгич ва ҳоказо) билан таништириш йўли орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Ташаббусли ахборот ҳужжатлари давлат архивининг ташаббуси (ташаббусли ахборот) ва ташкилот сўрови асосида тузилади.

Ташаббусли ахборот хати расмий ҳужжат бўлиб, ўзида маълум бир йўналишдаги давлат архивининг кино, сурат, овозли ҳужжатларнинг қисқача мазмуни ва мавжудлигини баён этади. Ташкилот сўровига биноан тузилган ахборотли хат барча берилган саволларга жавоб бериш керак.

¹ Ўзбекистон Республикаси “Архив иши тўғрисида”ги қонунинг 26-моддаси. – Тошкент, 2010 йил 15 июн.

² ЎзР КСОҲ МДАнинг жорий архиви 2013 йил ҳисоботидан.

Кино, сурат, овозли ҳужжатларнинг мавзули рўйхати – маълум бир мавзу бўйича бўлган киноҳужжатлар, суратли ҳужжатлар ва овозли ҳужжатлар сарлавҳаларининг ишлаб чиқарилган санаси ва қидирув маълумотлари билан биргаликда тузилган рўйхатидан иборат бўлади.

Мавзули рўйхат қуйидаги маълумотларни акс эттиради: ҳисоб бирлиги рақамлари (суратли ҳужжатлар шифрлари); фильм, киножурнал, кино-телесюжет номи, ишлаб чиқарилган санаси, киноҳужжат ишлаган студиянинг номи, суратли ҳужжат аннотацияси, суратга олинган вақти ва жойи, овозли ҳужжатни ишлаб чиқарган ташкилот номи, вақти ва ҳужжатнинг номи.

Ҳужжатларнинг таснифлари маълум бир тамойил бўйича жойлаштирилади: даврий, географик, ҳужжат аҳамиятига кўра ва бошқалар. Рўйхатда ҳужжатлар қандай мақсадга кўра фойдаланишига қараб ҳужжатлар кетма-кет жойлаштирилади. Мавзули рўйхат тўлиқ ёки танлаб олинган бўлиши мумкин. Тўлиқ мавзули сўров мавзу бўйича барча кино, сурат, овозли ҳужжатларни ўз ичига олади. Танлаб олинган мавзули рўйхат эса, мазмуни бўйича қизиқроқ, композиция тарафидан энг яхши, маълум бир даврга тегишли ҳужжатлар тартибидан иборат бўлади.

Мавзули маълумотномада давлат архивида маълум бир мавзу бўйича кино, сурат, овозли ҳужжатларни мавжудлиги, уларнинг архив рақамлари, шунингдек, танланган мавзу бўйича ҳужжатларнинг умумий миқдори, ҳужжатда ўз аксини топган воқеалар саналари ҳақида баён этилади.

Кино, сурат, овозли ҳужжатлардаги маълумотлар жойлашиш тартиби уни қай мақсадда фойдаланишига қараб белгиланади.

Ахборотли ҳужжатлар уларда кўрсатилган кино, сурат, овозли ҳужжатлардан фойдаланишдаги тавсияларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Кино, сурат, овозли ҳужжатларга доир мавзули сўровларни давлат архиви белгиланган тартибда амалга оширади. Сўров архив ходимиغا келиб тушади, у сўров мавзуси бўйича архивда мавжуд бўлган ҳужжатларни топади, зарур бўлган нусхалар тайёрлаш учун талабнома

расмийлаштирилади ва буюртмачи учун нусхаларнинг қисқача мазмунини тайёрлайди. Давлат архиви мавзули сўров ижроси, нусхалар тайёрлаш ва уларни почта орқали буюртмачига жўнатиш ишларини маълум бир тўлов эвазига бажаради.

Ҳар бир олинган сўровга ахборот хати тузилади, унда буюртмачининг қизиқтирган ҳужжатни мавжудлиги ва қисқача мазмуни ҳақидаги маълумотлар бўлади, уларни саналари ҳамда сўровни бажариш чоғида фойдаланилган илмий-маълумотнома аппарати (рўйхатлар, каталоглар ва шу кабилар) кўрсатилади¹.

Сўров мавзуси бўйича зарур ҳужжатлар архивда бўлмаган тақдирда тегишли жавоб тайёрланади, унда ҳужжатларни йўқлиги сабаблари кўрсатилади, қаерга мурожаат қилиш лозимлиги тавсия этилади, шунингдек жавобни тайёрлашда фойдаланилган архивни илмий-маълумотнома аппарати (рўйхатлар, каталоглар ва шу кабилар) кўрсатилади.

Ахборот хати ва жавоб архив юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил ташкилот ҳисобланса, идоравий архив бланкасида икки нусхада тузилади ёки идоравий архив қайси ташкилот таркибида бўлса, ўша ташкилот бланкасида тузилади.

Ахборот хати ва жавобга ташкилот ёки идоравий архив раҳбарияти ва маълумотномани тайёрлаган ижрочилар томонидан имзоланади.

Ҳужжатлар кўргазмаси оммавий равишда намойиш қилишга мўлжалланган ва муайян мавзудаги ҳужжатларни бадий безатилган тўпламидир. Кўргазмалар доимий (бирор муассасада узоқ муддат давомида кўрсатишга мўлжалланган) ва кўчма бўлади (турли муассасаларда муайян муддат ичида намойиш қилишга мўлжалланган)².

¹ Положение о порядке комплектования, государственного учета, хранения и использования архивных документов. / Приложение №1 к Постановлению Кабинета Министров РУз «О совершенствовании архивного дела в Республике Узбекистан» от 05.04.2012 г. – № 101. – Ташкент, 2012. – С. 2.

² Исакова М.С. О некоторых аспектах организации использования архивных документов. // Сборник материалов Республиканского научного семинара имени академии Я.Г. Гулямова «Историческая наука и архивное дело: проблемы интеграции». – Ташкент, 2010. – С. 52.

Кўргазмалар архивнинг ўз ташаббуси билан манфаатдор ташкилотларни илтимосига кўра, юқори органларни махсус фармойиши ёки бирорта ташкилот билан биргаликда ташкил этилади.

Кўргазмаларда кино, сурат, овозли ҳужжатларлар нусхалар кўринишида намойиш этилади.

Кўргазмани тайёрлаш ва ташкил этиш ишлари қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: мавзу танлаш, мавзуга доир адабиётларни ўрганиш, мавзу бўйича ҳужжатларни топиш, мавзу режасини тузиш, ҳужжатларни намойиш қилишга тайёрлаш, кўргазмани монтаж қилиш ва бадий безатиш, жавобгар ижрочиларни белгилаш¹.

Давлат архиви бошқа ташкилотлар билан кўргазмалар тайёрлашда улар билан ишлаш шароити ва вазифалар тақсимотини келишиб олади.

Кўргазма мавзуси муҳим саналарни, уларнинг аҳамиятини, архивда ҳужжатларнинг борлигини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Ҳужжатларни аниқлаш ва танлаб олиш каталоглари, рўйхатлари, монтаж варақлари бўйича ўтказилади. Киноҳужжатлар монтаж столида қараб чиқилади.

Ҳужжатларни кўргазма учун аниқлаш чоғида уларни сиёсий аҳамияти ва илмий қимматдорлиги, тасвирий ва сурат сифатлари ҳисобга олинади. Бундан илгари фойдаланилмаган ҳужжатларга кўпроқ аҳамият берилади.

Кўргазмани бадий безатиш ва монтаж қилиш мавзулар режасига мувофиқ амалга оширилади.

Кўргазмани мавзулар режаси унинг таркибини, ҳужжатлар ва ёрдамчи материаллар (чизмалар, диаграммалар ва шу кабиларни; босма нашрлар, музей экспонатлари)нинг тахминий сонини белгилаб беради. Кўргазмани таркиби ва унинг бўлимлари мазмунини очиб боради. Мавзулар режаси

¹ Исакова М.С. О некоторых аспектах организации использования архивных документов. // Сборник материалов Республиканского научного семинара имени академии Я.Г. Гулямова «Историческая наука и архивное дело: проблемы интеграции». – Ташкент, 2010. – С. 53.

тарихий маълумотномани ўз ичига олади, унда кўргазманинг мавзуси очиб берилади.

Мавзулар режаси давлат архивининг услубий комиссияси томонидан муҳокама этилади, зарур ҳолларда манфаатдор ташкилотлар билан келишилади ва архив раҳбари томонидан тасдиқланади.

Кўргазма учун танлаб олинган барча ҳужжатлар ва уларни нусхалари аннотациялар билан таъминланади, суратга олинган санаси, жойи ва муаллифи, фильмнинг номи, ёзуви, ишлаб чиқарилган ёки ёзув тайёрланган студия (ташкилот)ни номи, давлат архиви номи кўрсатилади.

Идоравий архив кўргазмага одамлар келишини ташкил этиш учун унинг очилиши ҳақида матбуот, телевидение, радио орқали хабар беради.

Ҳужжатли нашрлар тайёрлаш: мавзу танлаш, ҳужжатларни излаб топиш ва танлаб олиш нусха кўчириш, матн танлаш ва узатиш, нашрга илмий-маълумотнома аппаратини тузиш, шунингдек нашриётлар билан ишлаш жараёнларини ўз ичига олади¹.

Кино, сурат ва овозли ҳужжатларни нашр этиш давлат архивини ташаббуси билан, шунингдек газета ва журналлар таҳририятлари, нашриётлар билан биргаликда тайёрланади, улар билан олдиндан мақолаларнинг мавзулари, суратли ҳужжатлар мавзуси, шунингдек айрим кинокадрлар ва бошқа материаллар тўплами, уларнинг ҳажми ва тайёрлаш муддати келишиб олинади.

Телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар давлат архивлари томонидан телевидение ва радиостудиялари билан ҳамкорликда архив ёки студиялар ташаббуси билан тайёрланади.

Телекўрсатув ёки радиоэшиттириш интервью, суҳбат, хроника, маълумот, репортаж шаклида амалга оширилади. Телекўрсатув ва радио эшиттиришларнинг тайёрлаш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

¹ Исакова М.С. Архив ҳужжатларини нашрга тайёрлаш масалаларига доир. // Сборник материалов конференции «Историографические чтения – 2010». – Ташкент: Янги нашр, 2011. – Б.74-80.

кўрсатув ёки эшиттириш мавзусини танлаш; ҳужжатларни излаш, ўрганиш ва зарур ҳолларда бошқа архив ва музейлар ҳужжатларини танлаш; матнни тайёрлаш.

Давлат архиви олдиндан тегишли студия билан кўрсатув ёки эшиттиришнинг мавзуси ва муаллифи, архив ва студиянинг мажбуриятлари, кўрсатув ёки эшиттиришнинг давомийлиги, тайёрлаш муддати ва ҳоказолар ҳақида келишиб олади.

Кино, сурат, овозли ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда тайёрланган лекция ва маърузалар давлат архиви ташаббуси, шунингдек турли ташкилотлар сўровига биноан архивда ёки бошқа ташкилотларда ўтказилиши мумкин.

Лекция, маъруза мавзусига қараб кино, сурат, овозли ҳужжатлар иллюстрация сифатида хизмат қилиши ёки лекция, маърузанинг асосий қисми бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Киноҳужжатлар лекция, маърузаларда тегишли мавзудаги ҳужжатларни экранда кўрсатиш йўли билан суратли ҳужжатлар давлат архивида сақланаётган ва махсус кўрсатиш учун тайёрланган диапозитив (слайдлар) ёрдамида, суратли кўргазма ва стендлар тайёрлаш йўли билан, овозли ҳужжатлар эса эшитиш йўли орқали фойдаланилади¹.

Эпизодик лекция ва маърузалар билан бир қаторда давлат архиви мавзули кечалар туркумини ташкил этиши мумкин. Ушбу кечалар давомида кино, сурат намоиш этилишини ҳамда овозли ҳужжатлар эшиттирилиши мумкин.

Давлат архиви кенг жамоатчиликни кино, сурат, овозли ҳужжатлар таркиби ва мазмуни билан таништириш мақсадида учрашув-кечалар уюштирилиши мумкин.

¹ Основные правила работы государственных архивов с кинофотофоно- документами. / Магидов В.Л. и др.; под ред. И.А. Сидорова. – М.: Типография им. Воровского, 1980. – 65 с.

Учрашув-кеча ташкил этиш мавзу, аудитория таркиби, кеча ўтказиш вақти ва жойини аниқлаш ишлари билан бошланади. Кейин маърузалар мазмуни ва намоиш этиладиган ва эшиттириладиган кино, сурат, овозли ҳужжатларнинг таркиби, маърузачилар ва мазкур учрашув-кеча масъуллари фамилиялари, шунингдек кеча ўтказиш тартиби кўрсатилган дастур тузилади.

Учрашув-кеча ташкил этиш бўйича ҳужжатлар ташкилотнинг учрашув-кеча ўтказиш ҳақидаги сўрови, дастури, маърузалар матни, намоиш этиладиган ва эшиттириладиган кино, сурат, овозли ҳужжатлар рўйхатлари, таклифнома ва бошқалар ягона йиғмажилдга тўпланади.

Давлат архиви турли ташкилотларнинг жамоалари учун экскурсиялар ҳам ташкил этиши мумкин. Экскурсиялар ташкилот раҳбарияти билан келишув ҳамда архив директори номига ёзилган расмий хат асосида ташкил этилади.

Экскурсиялар шарҳли (архив фаолияти асосий йўналишлари, ҳужжатлар таркиби ва мазмуни тўғрисида) ва мавзули (маълум бир мавзуга оид ҳужжатлар тўғрисида) бўлиши мумкин.

Экскурсияга тайёргарлик мавзуси, мазмуни, ўтказиш тартиби ва масъул кўрсатилган режа асосида олиб борилади. Бунда ҳужжатларни кўриш ва эшитиш, суратлар кўргазмаси ва фотоальбомлар тайёрлаш нақадар мақсадга мувофиқлиги аниқланади, шунингдек экскурсия ўтказиш куни ва вақти белгиланади.

Кинодастурлар ва кинотўпламлар давлат архивлари томонидан ўтмиш ҳақидаги киноҳужжатларни кўрсатиш мақсадида тайёрланади.

Кинодастур давлат архиви томонидан ташкил этилган турли хил маросимларда бир ёки бир неча марта экранда намоиш этиш учун мўлжалланган киноҳужжатлар тўпламидир.

Кинодастур давлат архивида фильм, махсус кўрсатув ёки киножурналнинг тўлиқ тўпламининг позитив нусхаларидан тузилади.

Дастурга фильмларнинг айрим қисмлари, киножурналлар сюжетлари ва алоҳида киносюжетлар ҳам киритилиши мумкин. Кинодастур тузишда фильм, махсус кўрсатув, киножурналнинг монтаж тартибини ўзгартириш ман этилади. Кинодастур мавзуси, унга киритиладиган киноҳужжатлар таркиби ва мазмуни учрашув-кечанинг мавзусига қараб танлаб олинади.

Кинотўплам – архивда маълум бир кетма-кетликда монтаж қилинган кинотасвирдир¹. Кинотўпламлар махсус тайёрланган бир неча фильм, махсус кўрсатув, киножурналлар позитив нусхаларидан тайёрланади.

Кинотўпламлар турли маросимларда фойдаланиш учун тайёрланади ва ташкилотларга вақтинча фойдаланиш учун берилади.

Кинотўплам учун танланган мавзуга оид манба ва адабиётларни ўрганиш асосида архив каталоги ва монтаж варақлари бўйича киноҳужжатлар танлаб олинади. Кинотўпламга киритилиши лозим бўлган ҳужжатлар экран ёки овоз монтаж ускунасида кўриб чиқиш йўли билан батамом танлаб олинади. Танлаб олинган киноҳужжатлар бўлакларидан нусхалар тайёрланади. Лабораторияларда тайёрланган нусхалар кинотўплам сценарийсини тузиш мақсадида экранда кўриб чиқилади. Тайёрланган кинотўплам архивнинг услубий комиссияси аъзолари томонидан кўриб чиқилиб, муҳокама этилади.

Суратларни аниқлаш давлат архиви томонидан муҳим тарихий воқеалар ва юбилей саналарига атаб ўтказилади. Сурат танловлари – маълум бир мавзуга оид суратли ҳужжатлар нусхаларидир.

Сурат танловлари тайёрлаш тартиби кўргазма тайёрлаш тартиби билан бир хил бўлади. Сурат танлови ҳажми бўйича катта бўлиши (30-40 сурат ҳужжат) керак эмас. Сурат танлови тиражи ташкилот сўрови, мавзунинг муҳимлиги ва архивнинг техник имкониятларига қараб белгиланади.

¹ Ҳужжатлар. Архив атамалари изоҳли луғати. / Файзиева ва Р.Шамсутдинов. Маъсул муҳаррир. П.Н. Неъматов. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2000. – 51 б.

Архив ҳужжатлари бўйича сурат альбомлари давлат архиви ўқув залида, экскурсиялар, лекциялар, маърузалар давомида намойиш этиш, шунингдек ташкилотлар буютмалари асосида бир ёки бир неча нусхада тайёрланади. Муҳим юбилей саналарига бағишланган кўп тиражли сурат альбомларни тайёрлаш ишлари давлат архиви ва нашриёт ҳамда бошқа ташкилотлар билан келишилган нархларда амалга оширилади.

Овозли ҳужжатлар эшитиш дастури архив томонидан архив ва бошқа ташкилотларда фойдаланиш учун мавзули режа асосида тайёрланади. Дастур тайёрлашда овозли ҳужжатлар лавҳалари нусхаларидан фойдаланилади. Эшитиш дастур тайёрлаш бўйича масъул бўлган давлат архиви ходими томонидан амалга оширилади ва кириш сўзлари билан таъминланади.

Давлат архивларида тадқиқотчилар ишларини ташкил этиш ўқув, кўриш ва эшитиш хоналарида амалга оширилади. Тадқиқотчиларнинг ҳужжатлари ва илмий-маълумотнома аппарати билан ишлаш тартиби амалдаги қоидалар, йўриқнома ва мазкур қоидалар билан белгиланади.

Тадқиқотчининг кино, сурат, овозли ҳужжатлар билан ишлашга уни юборган ташкилотнинг расмий хати асосида амалга оширилади. Хатда тадқиқотчининг исми, шарифи, фамилияси лавозими, тадқиқот мавзуси, давомий чегаралари ва мақсади баён этилади. Хат ҳужжатларнинг сақлови ўз вақтида қайтарилиши кафолатини бериши керак. Мавзу ўзгарган ҳолларда архивга янги хат тайёрланади¹.

Чет эл тадқиқотчиларининг кино, сурат, овозли ҳужжатлар билан ишлашга Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги рухсати билан кўйилади.

Ҳужжатлардан фойдаланиш учун рухсат раҳбарият томонидан мавзуга қараб берган бир йилдан ошмаган муддатга берилади. Белгиланган муддат ўтгандан сўнг тадқиқотчи архивга янги хат тақдим этиши лозим.

¹ Правила работы пользователей в читальных залах государственных архивов Республики Узбекистан. – Ташкент, 2001. – С.7.

Тадқиқотчи иши учун жавобгар архив томонидан ҳужжатларни расмийлаштириш, архив ҳужжатлари таркиби ва мазмуни ҳақида маслаҳат бериш, кино, овозли ҳужжатларни кўриш ва эшитиш, ҳужжатлар нусхасини тайёрлаш учун талабнома расмийлаштириш ишлари амалга оширилади.

Тадқиқотчи томонидан кино, сурат, овозли ҳужжатларни танлаш илмий маълумотнома аппарати, каталоглар ва унга тегишли кўрсаткичлар, ҳужжатлар таснифи, монтаж варақалари, суратли ҳужжат альбомлар ички таснифи ёрдамида амалга оширилади¹. Давлат архивининг кино, сурат, овозли ҳужжатлар ва видео-овозли ёзувлари, ҳужжатлар таснифи, нашрлари билан ишлаш учун тадқиқотчи махсус талабномани тўлдиради. Талаб этилган ҳужжатларни қабул қилгач, тадқиқотчи ҳужжатлар ҳолатини текшириб талабномага имзо қўяди. Тадқиқотчи имзоси қабул қилган ҳужжатлардан фойдаланиш, уларнинг сақловини таъминлашдаги жавобгарликнинг ўз зиммасига олганлигини тасдиқлайди.

Кино, сурат, овозли ҳужжатлар тадқиқотчиларга белгиланган тартибда берилади. Давлат архиви архив ҳужжатларининг илмий-техник қайта ишлови ва реставрацияси, шунингдек уларнинг қоникарсиз ҳолати сабабли улардан фойдаланишни чегаралаб қўйиш ҳукуқига эга. Киноҳужжатларни кўриш овоз монтаж ускунаси ва архив кинозали экранда амалга оширилади.

Зарур ҳолларда тадқиқотчи қоғоз бўлаклари ёрдамида ўзига керакли кадрларни ҳужжатнинг позитив нусхасида белгилаши мумкин. Тадқиқотчи иши учун масъул бўлган архив ходими томонидан ушбу белгилар позитивдан контратип ёки лавандага кўчирилади.

Суратли ҳужжатлар билан тадқиқотчи каталог варақчаларидаги сурат нусхалар орқали танишади. Овозли ҳужжатлар уларни эшитиш хонасида эшитилади. Бундай ҳолларда бир кунда эшитиш вақти 3 соатдан ортиқ бўлмаган ҳужжатлар берилади. Архивда овозли ҳужжатлар матни бўлган ҳолларда тадқиқотчиларга ушбу матнлар ҳам танишиш учун берилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси “Архив иши тўғрисида”ги қонунинг 26-моддаси. – Тошкент, 2010 йил 15 июн.

Архив ҳужжатлари билан танишишда тадқиқотчи ўз ишини енгиллаштириш мақсадида айрим техник асбоб ва ускуналардан (микрокалькулятор, шахсий компьютер) фойдаланиши мумкин. Бунда албатта архив директори рухсати бўлиши шарт ва мазкур ускуналар ҳужжатлар ҳолатига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак.

2. Кино, сурат ва овозли ҳужжатларда Ўзбекистон тарихини акс эттиши

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон худудида суратга олиш, кинематография ва овоз ёзиш техник воситаларининг тарқалиши муносабати билан янги турдаги манбалар пайдо бўла бошлади.

XX асрнинг бошларига келиб мазкур ҳужжатлардан сиёсий ва ижтимоий, маданий мақсадларда фойдаланиш учун бир жойда тўплаш ва сақлаш эҳтиёжи туғилди.

Хусусан, Туркистон Республикаси ХКСнинг 1921 йил 25 январдаги қарорига биноан ташкил этилган архивларда қўлёзма ҳужжатлар билан бирга нашр қилинган материаллар ва фотоҳужжатлар ҳам йиғила бошланди. Мазкур ҳужжатларни сақлаш чоралари кўрилди. Ушбу жараён 1935 йил октябрь тўнтариши Марказий давлат таркибида фото бўлимини ташкил этилганидан янада тартибли равишда амалга оширила бошланди. Лекин, 1939 йилда бўлим ёпилгандан сўнг фотоҳужжатлар 1943 йилгача, яъни кино, сурат ва овозли ҳужжатлар марказий давлат архиви ташкил этилгунча назоратсиз қолди. Бу ҳол республикаимиз тарихига оид кўпгина фотоҳужжатларнинг йўқолишига ёки уларга шикаст етишига сабаб бўлди.

1943 йил 18 мартда Тошкент шаҳрида кино, сурат, овозли ҳужжатлар Марказий давлат архиви ташкил этилиши муносабати билан 25м² майдонга эга бўлган хона ажратилиб, унга Қирғизистон Республикасида шундай архив

ташкил этишда иштирок этган шахс – А.С.Этдельмант директор этиб тайинланди¹.

Бир йил ичида архив ходимлари томонидан архив сақловхонасига қабул қилиниши керак бўлган ҳужжатларни аниқлаш ва уларни қабул қилиш бўйича услубий ишланмалар тайёрлашга ҳамда ҳужжатларни фондлар бўйича ҳисобга олишдан воз кечиб, сақлов бирлигига кўра рўйхатга олишга ўтилди. Бироқ архив фаолиятини сустрлаштирувчи омиллар ҳам мавжуд бўлиб, улар малакали кадрларнинг етишмаслиги ва архив ишининг марказлашган ҳолда бошқарилишидан иборат бўлган.

Айниқса, 1959 йил 5 июнда архивнинг ЎзССР Марказий давлат архиви таркибига киритилиши ва уни кино, сурат, овозли ҳужжатлар бўлимига айлантирилиши ҳужжатларни сақлаш ишига анча зарар етказди. Тўрт кишидан иборат бўлган бўлим ўз фаолиятини амалга оширишда мустақил қарорлар қабул қилиш имкониятидан маҳрум бўлган эди.

1960 йилларда ҳукумат вакилларида иборат бўлган махсус комиссия томонидан амалга оширилган текширишлар натижасида архивни қайта ташкил этиш борасидаги бир қатор асосли хулосалар ёзилди. 1973 йил февралда Ўзбекистон ҳукумати томонидан “Республика архив ишини қайта ташкил этиш тўғрисидаги” қарор қабул қилиниб, унга асосан кино, сурат, овозли ҳужжатлар Марказий давлат архиви қайта ташкил этилди.

1974-йилдан Ўзбекистон ССР кинофотофоноҳужжатлар Марказий давлат архиви ва 1991-йил сентябрдан Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий давлат архиви деб номлана бошланди.

Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий давлат архиви – Ўрта Осиёдаги энг йирик ва Ўзбекистондаги ягона, махсус ҳужжатлар сақлови учун ихтисослашган архивдир. ЎзР КСОҲ МДА

¹ Исакова М.С. Сокровищница ценных источников по истории Узбекистана (к 60-летию ЦГА КФФД РУз). // Общественные науки в Узбекистане. – Т., 2003. – № 1-2. – С.82-85.

Ўзбекистон Республикасида ўз соҳасига тегишли бўлган махсус ҳужжатлар билан ишлашда илмий-услубий марказ ҳисобланади.

Архивда Ўзбекистон ва Туркистон ўлкасининг XIX асрнинг 60-йилларидан, то ҳозирги вақтгача бўлган даврларга оид тарихни ўзида акс эттирган ноёб ҳужжатлар йиғилган. Архивда умумий ҳисобда 300 мингга якин сақлов бирлигидаги ҳужжатлар сақланади. Шулардан 19 мингдан ортиқ та сақлов бирлигида кино, 250 мингга якин сақлов бирлигида фото, 15 мингдан ортиқ сақлов бирлигида овозли ҳужжатлар сақланади¹. ЎЗР КСОҲ МДАда фонд ва йиғмажилд тушунчалари ишлатилмайди, яъни ҳар бир ҳужжат алоҳида сақлов бирлигида ва алоҳида архив рақами билан ҳисобга олинади.

Мустамлака давр фотоҳужжатларида Туркистон ўлкасидаги миллий-озодлик ва революцион ҳаракат (1898, 1905-1907 йиллар) кўринишларини, Чор Россияси вакиллари томонидан ўлканинг бошқаруви, уларнинг маҳаллий ҳокимият билан муносабатлари, суд органлари фаолияти, Қўқон хони ва Бухоро амирининг халқаро муносабатлари ва алоқалари, ислом дини ва ўзбек халқининг кундалик турмуш тарзи тасвирланган.

Фотоҳужжатларда саноатнинг ривожланиши (темир йўл кўприklarининг қурилиши, суғориш каналлари, тери ва ёғ заводларининг ишлаб чиқариш фаолияти, тўқимачилик, ипакчилик фабрикалари, гилам тўқиш хунармандчилиги, қишлоқ хўжалик инвентари, кўмир саноати ва бошқалар) қишлоқ хўжалик (содда меҳнат қуроллари, ерни омов билан ҳайдаш, қўл билан пахта териш ва бошқалар), транспорт ва алоқалар (вокзал биноларининг кўринишлари; Тошкент темир йўли, Тошкентда Туркистон почта-телеграф хизматчиларининг I ўлка съезди)(1917-йил); савдо-сотик (газлама сотув дўкончалари, дўппилар, сопол идишлар, Самарқанддаги Регистон майдонидаги сотув расталари; Андижон, Бухородаги бозорларнинг умумий кўринишлари ва бошқалар) тасвирланган. Суратлар ўзида ўлкадаги

¹ ЎЗР КСОҲ МДАнинг 2012 йил жорий архиви ҳисоботидан.

соғлиқни сақлаш, маориф ва фанни ривожланиши; Туркистон илмий-текшириш комиссиясининг ишлари, Самарқанддаги Улуғбек обсерваторияси қазилмалари, мусулмон мактабларидаги дарслар, мактабдаги урф-одатлар, касалларни эскича даволаш усуллари, “ўқиб дам солиш”, кўча музикачиларининг чиқишлари ва бошқаларни акс эттирган.

Совет даври кино, сурат ва овозли ҳужжатларида ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шўро ҳукуматининг ўрнатилиши, Бухоро халқ Совет Республикаси, Хоразм халқ Совет Республикаси, Туркистон АССР, Ўзбекистон ССР даги давлат ҳукумати, ушбу республикалар жамоат ташкилотларининг фаолияти, халқ хўжалиги, фан-техника, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият ва санъат, спорт, хизматчиларнинг дам олиши, шунингдек бу республикалар вакиллари ва чет давлат сиёсий жамоат арбобларининг юқори партия органлари фаолиятида иштирок этиши, фан ва маданият арбобларининг Ўзбекистонга ташрифлари ва ўз вакилларининг бошқа республикаларга сафарларини ўзида акс эттирилган.

Бадий овозли ҳужжатлар Ўзбекистон, Совет ва чет эл композиторлари асарлари, халқ мусиқалари, шеърӣ, насрий ва драмматик асарлар, таниқли кўшиқчиларнинг чиқишлари, халқ ижрочилари, республика мусиқа коллективлари, жумладан Тамара Хоним, Ф.Баратова, М.Турғунбоева, Н.Ахмедова, Т.Қодиров, М.Узоқов, Ю.Ражабий ва бошқа овозли ёзувлардан иборат.

Шунингдек, Ўзбекистонда хотин-қизлар озодлиги учун ҳаракати (Хужум): хотин-қизларни паранжини бутунлай йўқ қилишга қаратилган митинг ва йиғилишлари, Республика аёлларининг съезд ва слётлари, саводсизликка барҳам беришга қаратилган кино ва фото суратлар ҳам мавжуд.

Архивнинг кино ва сурат ҳужжатлари Иккинчи жаҳон уруши давридаги республика ҳаётини, кўп миллатли Ўзбекистон халқининг фронтдаги қаҳрамонлиги, фронт орқасида ўзбек халқининг етим болаларни

асраб олиш, мамлакатга завод ва фабрикаларни эвакуация қилиниши, меҳнаткашларнинг митинглари, фронтга кўнгиллиларни кузатиш ва бошқаларни кўриш мумкин.

Архивда урушдан кейинги даврларда республика халқ хўжалиги тармоқлари энергетика, ёқилғи саноати, металлургия, машинасозлик, станоксозлик, асбобсозлик саноати ва бошқалар, транспорт ва алоқанинг ривожланиши; Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши (қишлоқ хўжалиги илғорлари ва ишчиларининг съезд ва қурултойлари), кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва коллективлаштириш, пахтачилик ва чорвачиликни ривожлантириш) ўзида тасвирланган кино, сурат ҳужжатлар мавжуд. Ушбу кино, сурат ҳужжатлар маданият қурилиши, фан, соғлиқни сақлаш, санъат, физкультура ва спорт ривожланиши ҳақида ҳам тушунча беради.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик даври кино, сурат ва овозли ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг эълон қилиниши, демократик жамият қурилиши, давлат бошқарувининг янги тизимини вужудга келиши, марказий органлари фаолиятининг мақсад ва вазифаларинг ўзгариши, банк тизимининг қайта ташкил этилиши, жаҳон томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тан олинishi, чет эл мамлакатлари билан дипломатик алоқаларнинг ўрнатилиши, кўп партиявийликнинг ва жамоат ҳаракатининг вужудга келиши, бозор иқтисодиёти, тадбиркорликнинг ривожланиши, янги маънавий дунёқарашнинг вужудга келишини ўзида акс эттирган.

Архивнинг киноҳужжатлари М.Қаюмов, Д.Салимов, Ш.Зоҳидов, И.Гибалевич каби ва кўпгина бошқа ҳужжатли кино усталари ишлари билан таништиради. ЎР КСОҲ МДАда ирригатор П.М.Кильдюшовнинг, Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси фахрий ишчиси С.А.Юсуповнинг, Тошкент Давлат Университети биология-тупроқшунослик факультети профессори И.А.Райкованинг, республикамизнинг спорт фахрийлари Л.Иванова ва

Ф.Р.Семернинларнинг, “Ташкентские мальчишки” китоб автори, журналист Л.Бережныхнинг, Республикамизнинг марказий рўзнома ва ойномалари фотомухбирлари М.З.Пенсон, И.Н.Панов, А.П.Штейнберг, У.Нурумбаев, Е.Ряпасов, М.Я. Розанкранц ва бошқаларнинг фотоҳужжатлар коллекциялари (тўпламлари) сақланади¹.

Архивда сақланаётган манбалар Ўзбекистон тарихининг турли даврларини акс эттириши билан бирга, улар ёрдамида ўзбек халқининг маънавий ва маърифий тараққиётининг ҳам кўриш имкониятини яратиб беради. Хусусан, архивдаги илк фотоҳужжатлар ёрдамида Ўзбекистон худудида таълим тизими ислоҳоти тарихини ўрганиш мумкин. Россия империяси ҳукмронлиги даврида амалдаги анъанавий мактаб тизимини сиқиб чиқариш учун жорий этила бошлаган рус тузем мактаблари ва рус таълим муассасалари фаолиятини муҳрлаган фотосуратлар, кейинги даврда эса совет ҳокимиятининг халқ маорифи соҳасида олиб борган сиёсати, ҳамда мустақиллик йилларида замонавий таълим тизими шакллантирилишини батафсил бошқа манбалар билан қиёсий таҳлил этиш орқали тадқиқ этиш ўринли саналади.

Жумладан, ўлкада фаолият юритган анъанавий мактаб тизимини акс эттирувчи фото ҳужжатларни таҳлил этиш орқали қуйидаги умумий хулосаларни баён этиш мумкин:

- эски усул мактабларда таҳсил олаётган болалар сони одатда 16-20 нафар бўлган;
- ўқувчиларнинг ёши 6 ёшдан 16 гача бўлган;
- ўқувчиларнинг устки қийим бошига кўра улар ёзги қиймларда чўпонларда, дўппи, калиш қийган, айримлари эса оёқ яланг бўлган. Адабиётларда мактабларнинг келтирилган тавсифлари билан

¹ Путеводитель по фондам ЦГА КФФД РУз. – Ташкент, 1990.

қиёслаганимизда бу камбағал болалар учун мўлжалланган қишлоқ мактаби бўлганлиги аниқланди. Умуман, анъанавий эски усул мактабларини акс эттирувчи фотоҳужжатлар бир вақтнинг ўзида ҳам эмоционал, ҳам этнографик ва ижтимоий мазмундаги маълумотларни мужассамлаштирган¹.

Рус маъмурияти томонидан жорий этилган рус таълим тизими тўғрисидаги маълумотларни архивда сақланаётган фотоальбомлардан ҳам олиш мумкин. Хусусан. 1905 йилда тайёрланган «Генерал губернатор С.М. Духовскойга» аталган фотоальбомда Реаль билим юрти асосан математика ва табиий фанларга ихтисослашган ўрта таълим муассасасининг ўқув хоналари, ўқув биноси ва ўқувчиларнинг турмуш тарзи акс этирилган. Альбомдаги фотосуратлар нафақат таълим тизими, балки ўқув муассасалар жойлаштирилган биноларни архитектураси, янги турдаги синф хоналарни жорий этилганлигини ҳам кўриш мумкин.

Фотоҳужжатларга тузилган аннотацияларга асосан ҳар бир синф хонаси ўқитиладиган фанларга ихтисослашган ҳолда жиҳозланганлиги махсус расм чизиш хонаси, табиатшунослик ва физика кабинетлари ташкил этилган².

Рус таълим тизимини ўрганишда бошқа бир фотоальбом “Иккинчи Оренбург кадет корпусининг Тошкент тайёрлов мактаби” фотоальбоми ҳам муҳим манбавий аҳамият касб этади³. Альбом 72 та суратдан иборат бўлиб, 1901-1902 йилларни ўз ичига олади. Альбом Смушко-Цапинский томонидан тузилган ва ички рўйхатга эга.

Умуман олганда, Ўзбекистон тарихи оид аудиовизуал манбаларни таҳлил этиш қуйидаги хулосаларни айтиш мумкин:

– Кино, фото ва фоноҳужжатларни саралаш ва аниқлашда уларни бошқа турдаги манбалар билан таққослаш ишлари яхши натижа беради. Бунда тадқиқ этилаётган аудиовизуал манба, масалан, фото ёки овозли

¹ЎЗР КСОҲ МДА, фото бўлим, 0 – 94416; 0 – 94270.

² ЎЗР КСОҲ МДА, фотоальбом 0 – 101625, 0 – 101627, 0 – 101628.

³ЎЗР КСОҲ МДА, фотоальбом № 118

хужжатни даврий матбуот материалларида чоп этилган нусхалари ва уларга берилган изоҳларни ўрганиш тарихий воқеаларни кенгроқ англашга ва аудиовизуал хужжатлар имкониятлари ва улардан илмий тадқиқотларда фойдаланиш хусусиятларини кенгайтиради.

– Архивда бугунги кунда сақланаётган манбалар ёзма хужжатлардан фарқли равишда тарихий воқеаларни ҳам тасвирий, ҳам эмоционал томонларини акс эттиради. Шу ўринда мазкур манбаларни кимнинг буюртмаси асосида тайёрланганлиги, уларнинг муаллифи ва мазмунини чуқур ўрганиш аудиовизуал манбаларни тайёрлашдан кўзланган мақсадни ҳам аниқлаш имконини яратади.

Бир сўз билан айтганда, кинофотофонохужжатлар алоҳида тарихий манба бўлиб, улар жамият ҳаётининг барча жабҳаларини акс эттиради.

ХУЛОСА

Тарихий тадқиқотларда аудиовизуал манбалардан фойдаланиш масаласини мазкур диссертацияда мумкин қадар объектив тарзда ва тўлароқ тадқиқ этишга интилиш натижасида қуйидаги умумлаштирилган хулосаларни баён қилиш мумкин бўлди:

– Кино, сурат ва овозли ҳужжатларнинг эътиборли томонларидан бири шундаки, инсон суратни томоша қилаётган пайтда ҳужжатда акс этган вазият, давр сурурини ҳис этади, ўша давр ҳаётини кўз олдидан ўтказди, шу билан бир қаторда ўша сурат ёки фильмдан ўзига маънавий озукани ёзувни ўқишдан кўра тезроқ қабул қилади. Кино, сурат ва овозли тасмаларни эшитиш ва кўриш орқали инсон психологиясига қанчалик таъсир этиш мумкинлиги ҳозирда фан учун сир эмас, булар тарғибот ташвиқот ва ўқув тарбия мақсадларида, тарихий ва бадиий фильм ва спектаклларни саҳналаштириш, музейлар, кўргазмалар ташкил этиш учун жалб этилади.

– Кино, сурат ва овозли ҳужжатларни нашр этиш учун танлаб олишда имкон қадар қимматли кино, сурат ва овозли ҳужжатларни танлаб олинишида ўзида аниқ маълумотларни ва хис–ҳаяжон тақдим этувчи, ёрқин ёритилган воқеаларни мужассамлаштирган манбалар эътибор қаратиш лозим. Шу билан бирга аудиовизуал ҳужжатларни қайси жанрга оидлиги ҳам инобатга олиниши лозим.

– Илмий мақсадда эълон қилинувчи кино, сурат ва овозли ҳужжатларни нашр этишда умумий комплекс ҳужжат, воқеа, ходиса ёки жараён олиниб, унинг қисқача мазмунини кенг очиб бериш, кинофото тасвири ва овозли ёзувни аниқ техник аҳамиятини изоҳлаш, илмий маълумотнома аппаратида тарихнавислик, маданиятшунослик ва археографик таҳлил намоён бўлиши лозим. Мазкур ҳужжатларни эълон қилишга тайёрлашда уларни ҳам тарихий манба шу билан бирга бадиий асар эканлигига аҳамият берилиши керак.

– Кино, фото ва фонохужжатларни саралаш ва аниқлашда уларни бошқа турдаги манбалар билан таққослаш ишлари яхши натижа беради. Бунда тадқиқ этилаётган аудиовизуал манба, масалан, фото ёки овозли хужжатни даврий матбуот материалларида чоп этилган нусхалари ва уларга берилган изоҳларни ўрганиш тарихий воқеаларни кенгроқ англашга ва аудиовизуал хужжатлар имкониятлари ва улардан илмий тадқиқотларда фойдаланиш хусусиятларини кенгайтиради.

– Аудиовизуал манбанинг аналитик таҳлили деганда унинг техник характеристикаси – моддий асоси, воқеа вақти, жойи, муаллифи, тасвирга олиш сабаблари, ўша вақтдаги ижтимоий-сиёсий муҳит таҳлили тушунилади. Бу маълумотларни аниқламай туриб, манбада баён этилган воқеалар ҳақида, тўғри ва мукамал тасаввурга эга бўлиш, унинг хусусида бирон бир қатъий фикр билдириш мумкин эмас.

– Кино, фото ва фоно хужжатларнинг синтетик таҳлилида унинг ички белгиларига қараб таҳлил этиш деганда манбани мазмунига қараб таҳлил қилиш, тушунтириш, ғоявий савияси ва илмий қийматини аниқлаш масалалари тушунилади.

– Ҳар қандай манбанинг илмий қиммати унда баён этилган воқеаларнинг объективлиги, келтирилган фактларнинг тўғрилиги ниҳоят олдинга сурилган фикр ва ғоялар билан аниқланади. Шунинг билан бир каторда бунда аудиовизуал манбанинг оригинал (асл нусха) ёки репродукцияси (асл аудиовизуал манбанинг кўчирма нусхаси) бўлиши, тўла ёки тўлиқсизлиги, воқеаларнинг қай тарзда баён этилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади, чунки одатда илмий тадқиқотда асл манбаларга таяниб иш олиб борилиши билан унинг илмий қиммати аниқланади.

Умуман олганда, аудиовизуал хужжатларнинг назарий ва амалий манбашунослиги бир-бирини тўлдиради, бири иккинчиси учун асосий тадқиқот йўналиш ва услубларини белгиласа, иккинчиси биринчиси учун фактик материалларни жамлаб, асос бўлиб хизмат қилади.

Танланган мавзуни тадқиқ этиш натижасида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

– биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланаётган манбаларни тарихий тадқиқотларга кенгроқ жалб этиш мақсадида архивнинг йўл кўрсакичини (путеводителини) янги талаблар асосида қайта нашр этиш лозим. Бу эса ўз навбатида тадқиқотчилар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади;

– иккинчидан, интернет тармоғида махсус сайт очиб, унда Ўзбекистон тарихини акс эттирувчи аудиовизуал манбаларни жойлаштириш ҳамда аудиовизуал ҳужжатлар манбашунослиги назарияси ва амалиётига оид материалларни жойлаштириш зарур. Ўз навбатида ушбу материаллардан Ўзбекистонда олий ўқув юртлари, коллежлар ва лицейларда тарих фанини ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари:

- 1.1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 315 б.
- 1.2. Каримов И.А. Адолатли жамият сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 159 б.
- 1.3. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1999. – 442 б.
- 1.4. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт –пировард мақсадимиз. 8 – жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
- 1.5. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.
- 1.6. Каримов И.А. Ўзбекистон халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
- 1.7. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. 14-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.

2. Норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар:

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 37 б.
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси “Архивлар тўғрисида”ги Қонуни. – Тошкент, 1999 йил 15 март.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси “Архив иши тўғрисида”ги Қонуни. – Тошкент, 2010 йил 15 июн.
- 2.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 1996 йил 18 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида «Ўзбекистоннинг янги тарихи марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши. // Халқ сўзи. 1996, 19 сентябр.

- 2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистоннинг янги тарих марказини ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши // Халқ сўзи. 1996, 19 сентябр.
- 2.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш тўғрисида қарори // Халқ сўзи. 1996, 17 декабр.
- 2.7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори // Халқ сўзи. 1998, 28 июл.
- 2.8. Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи концепцияси // Ўзбекистон тарихи. – 1999. – № 1. – Б. 34.
- 2.9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил, 30 октябрдаги “Архив иши бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 482-сонли Қарори.
- 2.10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил, 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси архив ишини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги, 49-сонли Қарори.
- 2.11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош Архив бошқармаси билан Россия Федерал Архив Ҳизмати ўртасида архив соҳаси бўйича ҳамкорлик тўғрисида Битим – Тошкент, 2003 йил 5 май. // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси Ахборотномаси. – Тошкент, 2003. – № 31. – Б. 12-16.
- 2.12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош Архив бошқармаси ва Американинг «Холокост» ёдгорлик Кенгаши ва унинг Вашингтондаги Музеи ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида Битим. – Тошкент, 2003, 6 июн. // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси Ахборотномаси. – Тошкент, 2003. – № 31. – 18-20 б.
- 2.13. Положение ЦИК Советов и Совнаркома УзССР «О Центральном управлении архивным делом». // Сборник узаконений и распоряжений правительства УзССР. – Тошкент, 1925.

- 2.14. Постановление СНК СССР от 29 марта 1941 г. «О сети государственных архивов СССР». // Сборник постановлений СНК СССР . –М., 1941.
- 2.15. Постановление СНК УзССР от 18 марта 1943 г. за № 282 «Об упорядочении сети архивных органов республики». // Сб. постановлений СНК УзССР. – Тошкент, 1943.
- 2.16. Постановление Совета Министров УзССР от 5 июня 1959 г. «Об утверждении положений об Архивном управлении МВД УзССР, Центральном государственном архиве и сети центральных и областных архивов Узбекистана». // Сб. постановлений Сов Мин УзССР. –Тошкент, 1959.
- 2.17. Постановление Совета Министров УзССР от 16 февраля 1973 г. «О состоянии и мерах по дальнейшему улучшению архивного дела в республике»./ Собрание постановлений правительства УзССР. – Тошкент, 1973.

3. Архив манбалари:

- 3.1. ЎзР МДА. ф. Р-837 – ЎзССР Халқ Комиссарлар Совети ва ЎзССР Министрлар Кенгаши.
- 3.2. ЎзР МДА. ф. Р-34. – Турк АССР Маориф халқ кенгаши.
- 3.3. ЎзР МДА. ф. Р-399. – Туркистон АССР МИК қошидаги Марказий архив иши бошқармаси (1918-1925 йй.).
- 3.4. ЎзР МДА. ф. Р-400. – ЎзССР ХКС қошидаги Марказий архив иши бошқармаси ва ЎзССР Министрлар Кенгаши қошидаги Бош архив бошқармаси 1925-1990 йй.
- 3.5. ЎзР МДА. ф. Р-2668. – Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли хужжатлар Марказий Давлат архиви 1943 – 1995 йй.
- 3.6. ЎзР МДА. ф. Р-2671. – профессор И.А. Райкованинг шахсий фонди.

3.7. ЎзР КСОХ МДА жорий архиви. Йиллик ҳисоботлар ва иш режалари 1996- 2012 йй.

4. Умумий ва махсус адабиётлар:

- 4.1. Абдуллаев А., Мухамедов С. Пятьдесят лет узбекского кино. – Тошкент: Изд-во литературы и искусства им. Г. Гуляма, 1976. – 122 с.
- 4.2. Абул-Касимова Х.Н. Кино и художественная культура Узбекистана. – Тошкент: Фан, 1991. – 148 с.
- 4.3. Акбаров Х. Первый узбекский звуковой фильм «Клятва». // Вопросы киноискусства. Ежегодный историко-теоретический сборник. Выпуск 9. – М.: Наука, 1966, С. 146-158.
- 4.4. Алиев М. Кино асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989. – 128 б.
- 4.5. Алимов И, Мирзабаев А, Вайс В. Справочник по архивному делу в Узбекистане (1918-1968 гг.). – Тошкент: Узгипрозем. 1970. С. 30-43.
- 4.6. Алимов И, Эргашев Ф, Бутаев А. Архившунослик. Ўқув қўлланма.– Тошкент: Шарқ, 1997. – 73 б.
- 4.7. Архивное дело в СССР. / Труды ВНИИДАД. – М.: Типография им. Воровского, 1980. – 124с.
- 4.8. Баталин В.Н., Малышева Г.Е. Проблемы внешней критики фотодокументов в процессе их источниковедческого анализа. // Ж. Отечественные архивы. – М, 1994. –№ 2. – С. 7-15.
- 4.9. Бела Балаш. Кино. Становление и сущность нового искусства. – М.: Прогресс, 1968. – 328 с.
- 4.10. Белов Г.А. и др. Государственные архивы СССР. / Краткий справочник. – М.: Типография им. Воровского, 1956. – 508 с.
- 4.11. Белов Г.А. и др. Теория и практика архивного дела в СССР. Учебное пособие. М.: Типография им. Воровского, 1958. – 341 с.
- 4.12. Болтянский Г. Очерки по истории фотографии в СССР. – М.: Госкиноиздат, 1939. – 224 с.

- 4.13. Варшавчик М.А. Историко-партийное источниковедение. Теория. Методология. Методика. – Киев: Вища школа, 1984. – 319 с.
- 4.14. Варшавчик М.А. Источниковедение истории КПСС. – М.: Высшая школа, 1973. – 360 с.
- 4.15. Волчек Г.Ф. Фотоиллюстрация в советской периодике. – М.: Изд-во МГУ, 1962. – 191 с.
- 4.16. Вызго Т.С. и др. История узбекской советской музыки (1917-1945). – В 2-х т. – Т.: Изд-во литературы и искусства им. Г. Гуляма, 1972. Т.1. – 384 с.
- 4.17. Вызго Т.С. и др. История советской музыки. В 2-х т. – Т.: Изд-во литературы и искусства им. Г. Гуляма, 1973. Т. 2. – 376 с.
- 4.18. Вяликов В.И. Архивное строительство в СССР. (1946 – 1967). Учебное пособие. – М.: Типография ХОЗУ Минавтопрома, 1972. – 109 с.
- 4.19. Голендер Б.А. Окно в прошлое. Туркестан на старинных почтовых открытках (1898 – 1917 гг.). Ташкент. ЛИА Р. Элинина. – М., 2002. – 246 с.
- 4.20. Голендер Б.А. Иудаика на туркестанских почтовых открытках / В книге Евреи в Средней Азии: вопросы истории и культуры. Сборник научных статей и докладов. – Т: Фан, 2004. С. 64-76.
- 4.21. Горяева Т.М. Радиогазета 20-х – начала 30-х годов как исторический источник. // Ж. История СССР. – М., 1984. – № 4. – С. 72-86.
- 4.22. Горяева Т.М. Фонодокументы как исторический источник по истории Великой Отечественной войны. // Ж. История СССР. – М., 1985. – № 3. – С. 142-154.
- 4.23. Государственные архивы СССР. / Справочник в 2-х частях. – М.: Мысль, 1989. Часть 2. – 413 с.
- 4.24. Государственный архивный фонд СССР. Документальная память народа. / Справочник – М.: Мысль, 1987. – 223с.
- 4.25. Грайвер М. П. Путеводитель по отделу кинофотофонодокументов. – Тошкент: Типограф. управление делами Совета Министров УзССР, 1964. – 102 с.

- 4.26. Дремина Г. А. Государственные архивы и архивное дело в союзных республиках. Учебное пособие. – М.: Типограф. ХОЗУ Минавтопрома, 1971. – 233 с.
- 4.27. Еремченко В. А. Основные проблемы работы государственных архивов СНГ с аудиовизуальной документацией. // Ж. Отечественные архивы. – М., 2001. – № 6. – С. 3-10.
- 4.28. Ефгаров Е. М. Кинофотофонодокументы как исторический источник. Учебное пособие. – М.: Издательство МГИАИ, 1973. – 46 с.
- 4.29. Зевакина Л. А. Определение источников комплектования фотодокументами Ленинградского государственного архива кинофотофонодокументов. // Проблемы архивоведения и истории архивных учреждений. Материалы научной конференции архивистов Ленинграда – Л.: Издательство ЛГУ. 1970. С 50-58.
- 4.30. Зокирова Д. Т. Ўзбекистон Республикаси КСОҲ МДА хужжатларида «Ўзбекистон хотин-қизлари мавзуси». // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош Архив Бошқармаси Ахборотномаси. – Тошкент, 1999. – № 27. – Б. 17-20.
- 4.31. Зокирова Д. Т. Ўзбекистон Республикаси КСОҲ МДАда сақланаётган ёзувчи А. Каҳҳор ҳаёти ва ижодига тегишли кино ва овозли ҳужатлар // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош Архив Бошқармаси Ахборотномаси. - Тошкент, 1994. –№ 1. – Б. 6-9.
- 4.32. Зокирова Д. Т. Ўзбекистон Республикаси КСОҲ МДАда ғалабанинг 50-йиллигини нишонлаш учун тайёргарлик ишлари ҳақида // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош Архив Бошқармаси Ахборотномаси. – Тошкент, 1994. – № 12. – Б. 15-16.
- 4.33. Зокирова Д. Т. Суратларга муҳрланган тарих. // Тошкент оқшоми. 1993, 9 апрел.
- 4.34. Зокирова Д.Т. Умри баҳор раққоса. // Тошкент оқшоми. 1993, 9 сентябр,

- 4.34. Зокирова Д.Т. Кўргазмада ҳаёт лаҳзалари. // Тошкент оқшоми. 1992, 4 май,
- 4.35. Зубков В. Значение фотокиноархивных материалов и задачи организации их использования // Ж. Архивное дело. – М., 1933. – № 3-4. – С. 53-60.
- 4.36. Зуннунова А. Гофур Ғуломнинг ҳаёти ва ижоди – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1983, – 138 б.
- 4.37. Ибрагимов У.Я. и др. Говорит и показывает Ташкент. К 50-летию узбекского радио. – Тошкент: Ўзбекистон, 1977. – 102с.
- 4.38. Иброхимов Н. Дунёга сочилган хазина // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош Архив Бошқармаси Ахборотномаси. – Тошкент, 2001. – № 30. – 5-6 б.
- 4.39. Исакова М.С. Сокровищница ценных источников по истории Узбекистана (к 60-летию ЦГА КФФД РУз). // Общественные науки в Узбекистане. – Т., 2003. – № 1-2. – С.82-85.
- 4.40. Исакова М.С. Значение архивных фотографических альбомов как исторических источников в процессе изучения истории Узбекистана. // Вестник Каракалпакского отделения АН РУз., 2005. – № 1-2. – С. 93-94.
- 4.41. Центральный государственный архив кинофотофонодокументов Республики Узбекистан в современных условиях. // Вестник архивиста. Информационный бюллетень. – М., 2006. – № 2-3. – С. 213-221.
- 4.42. Исакова М.С. Использование аудиовизуальных источников в исторических исследованиях. // УзМУ хабарлари. – Т., 2006. – № 4. – С. 43-45
- 4.43. История Узбекской ССР./ М.А. Ахунова, Т.Н. Кары-Ниязов и др.; под ред. Х.З. Зияева. – Тошкент: Фан, 1968. – 664с.
- 4.44. История советского кино. В 4-х т. – М.: Искусство, 1975. – 320 с.
- 4.45. Каланов З.З. Кинематография советского Узбекистана. – Тошкент: Госиздат УзССР, 1949. – 55 с.

- 4.46. Кары-Ниязов Т.Н. Очерки истории культуры и науки Советского Узбекистана. / Избранные труды. Т.5.– Тошкент: Фан, 1967. – 560 с.
- 4.47. Каюмов Малик. Жизнь моя – кинематограф. – Тошкент.: Изд-во литературы и искусства им. Г. Гуляма, 1982. –288 с.
- 4.48. Коляда В.А. Фонодокументы в архиве: проблемы комплектования // Ж. Отечественные архивы. – М., 1992. – № 4. – С. 27-29.
- 4.49. Коте В. Архивы кинофотофонодокументов. – М., 1972. – 60 с.
- 4.50. Крайская З.В. Организация архивного дела в СССР. Учебник для техникумов. – М.: Экономика, 1980. – 176 с.
- 4.51. Кузин А.А. Кинофотофоноархивы. – М.: Типография Главиздата МК РСФСР, 1960.– 264 с.
- 4.52. Кунтиков И.Н. Кинофотофонодокументы в научных исследованиях // Ж. Вопросы архивоведения. – М., 1962. – № 2. – С. 55-59.
- 4.53. Левин Л. Фотокиноархив // Ж. Архивное дело. – М., 1926. – № 8 - 9. – С. 46-48.
- 4.54. Ли Р.И. ЦГА КФФД РУз – 50 лет // Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош Архив Бошқармаси Ахборотномаси. – Тошкент, 1994. № 10. С. 20-29.
- 4.55. Листов В.С. Приемы источниковедческого анализа киноскриптов документального кино периода Октябрьской революции и гражданской войны. Труды МГИАИ. Том. 24. Вып. 2. – М., 1966. № 2. С. 238.
- 4.56. Магидов В.М. Кинодокументы: проблемы источниковедческого анализа и использования в исторических исследованиях. // Ж. История СССР. – М., 1983. – № 1. – С. 92-103.
- 4.57. Магидов В.М. Кинофотодокументы Государственного архивного фонда СССР периода Великой Октябрьской Социалистической революции. Некоторые проблемы исторического анализа и публикации. (К постановке вопроса). // Ж. История СССР. – М., 1987. С. 129-148.

- 4.58. Магидов В.М. Кинофотодокументы как объект исследования (историография вопроса) // Ж. Советские архивы. – М., 1991. – № 4. – С.27-38; –№ 5. – С. 12-22.
- 4.59. Магидов В.М. Кинофотофонодокументы как исторический источник. // Ж. Отечественная история. – М., 1992. – № 5. – С. 104-116.
- 4.60. Магидов В.М. Как сохранить кинонаследие: проблемы выхода из кризиса // Отечественные архивы. – М., 1996. – № 5. – С 3-9.
- 4.61. Максаков В.В. Архивное дело в первые годы советской власти. – М.: Типография Пограничник, 1959. –161 с.
- 4.62. Максаков В.В. История и организация архивного дела в СССР. 1917 – 1945 гг. – М.: Наука, 1969. – 431 с.
- 4.63. Мандральская Н.В. Запечатленные образы войны (фото- и фоноисточники об Узбекистане в годы Великой Отечественной войны). – Ташкент: Узбекистан, 1987. – 222 с.
- 4.64. Маяковский И.Л. Очерки по истории архивного дела в СССР . – М.: Типография им. Воровского, 1960. – 338 с.
- 4.65. Мизин П.Я., Церевитинов Н.А. Технология хранения документальных материалов. Учебное пособие. – Москва, 1950. – 268с.
- 4.66. Митяев К.Г. Теория и практика архивного дела. Учебное пособие. – Москва, 1946. – 248с.
- 4.67. Морозов С.А. Советская художественная фотография. – М.: Искусство, 1958. – 293 с.
- 4.68. Мяскова Л. История партийных архивов Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 1984. –144 с.
- 4.69. Научно-информационные издания о составе и содержании кинофотофонодокументов. Аналитический обзор. / Л.А. Кобелькова; под ред. В.М. Магидова. – М., 1991. – 50 с.
- 4.70. Ньматов П.Н. Архивлар тўғрисидаги Қонуннинг бажарилиши тўғрисида «Ўзбошархив» хисосботи». // Ўзбекистон Республикаси вазирлар

Маҳкамаси хузуридаги Бош Архив Бошқармаси Ахборотномаси. – Т., 2001. – № 27. – Б.1-4.

4.71. Неъматов П.Н. Ўзбекистон тарихига оид хужжатларни қайтариб олиб келиш бўйича Россия фоно ва киносурат хужжатлари Давлат архивларига бориб келганлик ҳақида. // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Бош Архив Бошқармаси Ахборотномаси. – Тошкент, 2003. – № 29. – Б.1-5.

4.72. Никифоров Е.И. О критическом анализе киноматериалов и их места в Государственном архивном фонде. // Ж. Советские архивы. – М., 1968. – № 2. – С.84-89.

4.73. Нуритдинова Т. Использование документов ЦГА КФФД РУз в политических и культурно-просветительских целях. // Информационная бюллетень ГАУ при Совмине УзССР. – Тошкент, 1991. – № 4. – С. 4-6.

4.74. Основные правила работы государственных архивов с кинофотофонодокументами. / Магидов В.Л. и др.; под ред. И.А. Сидорова. – М.: Типография им. Воровского, 1980. – 165 с.

4.75. Пронштейн А.П. Методика исторического источниковедения. / Издание 2-е доп. и исп. – М.: Изд-во Ростовского университета, 1976. – 480 с.

4.76. Пушкарев Л.Н. Источниковедение проблемы кинофотофонодокументов // Ж. Советские архивы. – М., 1968. – № 2. – С. 89-92.

4.77. Путеводитель по отделу кинофотофонодокументов ЦГА Уз ССР. / Грайвер П.М. ; под ред. П.С. Котляра. – Ташкент, 1964. – 103 с.

4.78. Путеводитель по Центральному государственному архиву кинофотофонодокументов Узбекской ССР. / Под ред. Г.В. Хубларова. – Т.: Мехнат, 1989. – 391 с.

4.79. Рахимов Ж. Использование архивных материалов при изучении истории Узбекистана. / Сборник наглядных архивных документов для учебника 8 класса по истории Узбекистана. (Дидактическое пособие для учителей школ). – Т.: Ўзбекистон. 1997. – 96 с.

- 4.80. Рошаль Л.М. Некоторые вопросы источниковедческого анализа кино-документов. / Труды МГИАИ.– М., 1963. Т. 17. С. 39-49.
- 4.81. Рошаль Л.М. О государственном хранении кинофотофонодокументов. // Ж. Советские архивы. – М., 1967. – № 2. – С. 76-79.
- 4.82. Рудельсон К.И. Классификация документов и научно-справочный аппарат в государственных архивах./ Архивное дело в СССР. Труды ВНИИДАД. – М.: Типография им. Воровского, 1980. Т. 12. С. 70-81.
- 4.83. Словарь современной архивной терминологии социалистических стран. – Москва, 1982. – 445 с.
- 4.84. Татыбаева А.С. Из истории Ташкентских кинофорумов. // Вечерний Ташкент. 19 июня, 1992.
- 4.85. Татыбаева А.С. Листая архивные страницы. // Вечерний Ташкент 9 октября, 1992.
- 4.86. Татыбаева А.С. Маэстро Ашрафи. // Вечерний Ташкент. 9 июня, 1992.
- 4.87. Тешабоев Дж. Киноискусство советского Узбекистана. – М.: Типография Главполиграфпрома, 1968. – 63 с.
- 4.88. Тешабоев Дж. Пути и поиски. – Тошкент: Изд-во лит-ры и искусства им Г. Гуляма. 1973. – 210 с.
- 4.89. Тешабоев Дж. Герой – крупным планом. – Тошкент: Изд-во лит-ры и искусства им. Г. Гуляма, 1972. – 124 с.
- 4.90. Туровцева С.В. Архивные альбомные собрания военной фотографии периода Крымской компании (1853-1856 гг.). // Ж. Отечественные архивы. – М., 1997. – № 1. – С. 20-31.
- 4.91. Туровцева С.В. Источники по истории русского флота: Альбомы военной фотографии второй половины XIX – начала XX вв. // Ж. Отечественная история. – М., 1996. – № 5. – С. 95-105.
- 4.92. Туляганова С. Хамон ҳаяжонга солади. // Тошкент окшоми. 1995, 7 июл.
- 4.93. Тюнеев В.А. Архивное наследие стран СНГ: хранение, доступ, использование. // Ж. Отечественные архивы. – М., 1998. – № 5. – С. 3-9.

- 4.94. Фарсобин В.В. Источниковедение и его метод. Опыт анализа понятий и терминологии. – М.: Наука, 1983. – 231 с.
- 4.95. Фесуненко И.С. Значение кинофотофонодокументов как исторического источника и основные задачи комплектования ими Государственного архивного фонда Союза ССР. / Труды МГИАИ. Т. 16. – М., 1961. С. 7-14.
- 4.96. Фесуненко И.С. О комплектовании Государственного архивного фонда кинофотофонодокументами и некоторых критериях их источниковедческого анализа. // Ж. Вопросы архивоведения. – М., 1962. – № 4. – С.12-20.
- 4.97. Хамидова М.А. Узбекская музыкальная драма. – Тошкент: Изд-во литературы и искусства им. Г. Гуляма, 1987. – 120 с.
- 4.98. Хамидов Х. Ўзбек анъанавий кўшиқчилик маданияти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 175 б.
- 4.99. Хасанов Б. Ўзбек ҳужжатли киноси. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 151 б.
- 4.100. Ходжаев Ф. Марк Пенсон. – М.: Планета. 1973. – 70 с.
- 4.101. Ҳужжатлар. Архив атамалари изохли луғати. / Файзиева ва Р.Шамсутдинов. Маъсул муҳаррир. П.Н. Неъматов. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2000. – 111 б.
- 4.102. Чибисов К.В. и др. Фотография в прошлом, настоящем и будущем. – М.: Наука, 1988. – 176 с.
- 4.103. Юрганова И.И. Организация работы ЦГА КФФД УзССР с ведомствами по отбору документов на государственное хранение. // Информационная бюллетень ГАУ при Совмине УзССР. – Тошкент, 1990. – № 3. – С. 10-14.

5. Диссертация ва авторефератлар:

- 5.1. Исакова М.С. История Центрального государственного архива кинофотофонодокументов и его деятельность по созданию фондов культуры Узбекистана. Дис...канд. истор. наук. – Ташкент: НУУз, 2004. – 167 с.

5.2. Мандральская Н.В. Аудиовизуальные источники историко-партийной науки и их использование в изучении деятельности партии (на материалах Узбекистана периода Великой Отечественной войны (1941-1945 гг.): Дис... канд. истор. наук. – Ташкент, 1981. – 233 с.

5.3. Тилеукулов Г.С. Архивное дело в Узбекистане (1918-1980 гг.). Опыт и проблемы. Дис...канд. истор. наук. – Ташкент: ТашГУ, 1995. – 170 с.

5.4. Шамаева Ф.М. Кинофотодокументы как источники истории КПСС (на материалах Узбекистана 1917-1937 гг.): Дис... канд. истор. наук. – Ташкент: ТашГУ, 1975. – 162 с.

